

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

51-сон
(1175)
2024 йил
декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўtkазилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

454. «Худудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги ПФ-223-сон Фармони
455. «Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреацион худудларида туризм инфраструктулмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм обьектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 декабрдаги ПҚ-439-сон қарори
456. «Ёшларнинг спорт билан муутазам шуғулланиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 18 декабрдаги ПҚ-443-сон қарори

457. «Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштиришни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 декабрдаги ПҚ-450-сон қарори

Учинчи бўлим

458. «2025 — 2027 йилларда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 декабрдаги 865-сон қарори
459. «Мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 декабрдаги 867-сон қарори

Бешинчи бўлим

460. O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2024-yil 5-dekabrdagi 100-son “Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari faoliyatini amalga oshirishga litsenziyalar berilganligi uchun davlat boji miqdorlarini belgilash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 17-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3584*)
461. O‘zbekiston Respublikasi sog‘liqni saqlash vazirining 2024-yil 28-noyabrdagi 1-son “Inson a’zolari va (yoki) to‘qimalari donorligiga qarshi ko‘rsatma bo‘ladigan kasalliklar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 17-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3585*)
462. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги директорининг 2024 йил 6 декабрдаги 3371-сон “Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидаларини (ЎзР АҚ-46) тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгариши ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ти буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1452-3*)
463. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2024 йил 18 ноябрдаги 19-мҳ-сон “Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш ҳамда унга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини белгилаш тўғрисидаги ўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3586*)

464. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 6 декабрдаги 201-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби-нинг миллий стандарти (22-сонли БҲМС) “Чет эл валютасида ифода-ланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”ни тасдиқлаш ҳақида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3587*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

454 Ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ҳамда бу борада маҳаллий ҳокимликларнинг роли ва масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш, бизнес мухитини янада яхшилаш, ўсиш нуқталарини ишга солиш, яшил тамойил ва ёндашувларни кенг жорий этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш борасида маҳаллий ҳокимликлар масъулияти ва ҳисобдорлигини ошириш ҳамда уларнинг ташаббускорлиги, ислоҳот ва ўзгаришларга «эгалик қилиш» ролини кучайтиришга қаратилган тизимни жорий этиш мақсадида:

1. 2025 йилда республика ва худудлар кесимида иқтисодий ўсиш, ишсизлик ҳамда камбағаллик даражасини пасайтириш бўйича мақсадли кўрсатичлар 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман ва шаҳарлар кенгашлари томонидан худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллик дастури (кейинги ўринларда — Дастур) маҳаллий бюджет параметрлари билан бирга белгиланган муддатларда тасдиқланади. Бунда 2025 йил учун дастурлар, истисно тарикасида, 2025 йил 1 февралгача тасдиқланади.

Дастур асосида «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида ялпи худудий маҳсулот ҳажми 6-7 фоиз микдорда ўсишини таъминлашга қаратилган худуднинг табиий географик жойлашуви, ихтисослашуви, меҳнат ресурслари ҳамда инфратузилмавий имкониятларини инобатта олган ҳолда саноат, қишлоқ хўжалиги, экспорт, инвестициялар, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқлар бўйича кичик дастурлар ишлаб чиқилади ва 2-иловадаги* ўйналишларга мувофиқ тасдиқланади.

3. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 10 кун муддатда худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йиллик дастурида назарда тутиладиган кичик дастурларни ишлаб чиқиш услубиётини маҳаллий ҳокимликларга етказсин.

Бунда худудларнинг табиий географик жойлашуви, демографик кўрсатичлари, хомашё базаси, ихтисослашуви, инфратузилмавий имкониятлари, урбанизация ва агломерация жараёнлари, захиралари, йирик инвестиция

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лойиҳалари, ресурслардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳамда тадбиркорларнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш инобатга олинсин.

4. Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетларининг харажатларини босқич-ма-босқич тўлиқ ўз даромадлари ва ички манбалар ҳисобидан қоплашга эришиш мақсадида Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қўйидаги молиявий имконият ва ваколатлар бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) 2025 йил 1 январдан айланмадан олинадиган солиқ, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, давлат активларини ижарага беришдан тушумларни тўлиқ ҳажмда ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларининг камида 50 фоиз қисмини туман (шаҳар)лар бюджетларига ўтказиш (йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар ҳамда даромадлари харожатларидан кўп бўлган туман (шаҳар)лар бундан мустасно);

б) маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли бўлган акциялар (улушлар)ни сотишдан тушган маблағларнинг (қонунчиликка мувофиқ чегириладиган харажатлардан ташқари) 90 фоизи Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ҳамда объект жойлашган туман (шаҳар) бюджетига тенг улушларда тақсимланади;

в) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет даромадларининг қўшимча захираларини аниқлаш ва ундириш бўйича манфаатдорлигини ошириш мақсадида 2025 йилдан бошлаб:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига:

туман (шаҳар)ларнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, якка тартиbdаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ва энг юқори қатъий белгиланган ставкалари доирасида туман (шаҳар)лар кесимида якка тартиbdаги тадбиркорларга қатъий солиқ ставкалари миқдорини белгилаш;

солиқ солиши мақсадида кўлланадиган кўчмас мулк ижара қийматининг 1 метр квадрат учун ўрнатилган минимал миқдорларига нисбатан туман (шаҳар)лар кесимида 2 баробаргача оширувчи коэффициент, хусусан, Тошкент шаҳрида ушбу оширувчи коэффициентни ер солиғи каби зоналар кесимида қўллаш;

халқ депутатлари туман (шаҳар)лар кенгашларига:

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига 0,7 баробардан 1,5 баробаргача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициент қўллаш (қишлоқ хўжалиги, электр станциялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган йирик солиқ тўловчилар бундан мустасно);

норуда қурилиш материаллари бўйича (цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳактошдан ташқари) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг қатъий белгиланган ставкаларига 1,3 баробаргача оширувчи коэффициент белгилаш ваколатларини бериш;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлариға Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағларини драйвер лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда янги ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқариш учун уларни зарур ташқи мухандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлашга йўналтиришга руҳсат бериш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлариға тадбиркорлик субъектлари учун шарт-шароитлар яратиш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш йўналишида қўйидаги ваколатлар берилсин:

а) 2025 йил 1 марта бошлаб худуди 10 минг метр квадратдан, баҳоланган қиймати 5 минг БҲМдан ошмаган ҳамда 6 ой давомида сотилмаган маҳаллий давлат ҳокимияти органлариға тегишли кўчмас мулк обьектларини (Тошкент шаҳри туманлари ва вилоят марказлари бундан мустасно) икки йил ичида янги лойиҳани ишга тушириш ва иш ўринлари яратиш шарти билан:

тадбиркорлик субъектлариға тўғридан-тўғри 10 йил муддатга ижарага бериш ҳамда давлат мулки учун 4 йил давомида узлуксиз ижара тўловларини амалга оширган ва ижара шартномаси шартларини бажарган тадбиркорга хусусийлаштириш ёки баҳоланган қийматда тўғридан-тўғри сотиш;

халқаро тан олинган хорижий тил ва малака сертификатларини олишга ўқитадиган маҳаллий ҳамда хорижий мутахассислар ёки ташкилотларга дастлабки биринчи йили ижара тўлови ундирамасдан 5 йил муддатга кейинчалик унинг муддатини узайтириш шарти билан ижарага бериш.

Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бир ой муддатда маҳаллий ҳокимликларга тегишли бўлган кўчмас мулк обьектларини тўғридан-тўғри ижарага бериш ва сотиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ер участкасига бўлган ҳуқуқлар Ер кодексининг 36-моддасида белгилангандар тартибда бекор қилинганда, ушбу ер участкаларини давлат мулкидаги бўш турган ер сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда З-иловага* мувофиқ туман (шаҳар)ларни жадал комплекс ривожлантириш дастури лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари бир ой муддатда ҳар бир туман ва шаҳарда худуднинг иқтисодий ўсишига туртки берувчи саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш йўналишларида 2025 йилга мўлжалланган камида 5 тадан драйвер лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқласин.

Бунда дастурлар ва драйвер лойиҳаларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар учун Давлат бюджети параметрларида маблағлар алоҳида сатрда акс эттирилади ҳамда туман (шаҳар) кенгашлари қарорлари асосида ишлатилади.

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Туман (шахар)лар ҳокимликлариға қўйидаги йўналишларда маъмурий ваколатлар берилсин:

а) давлат бошқаруви органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида «доимий алоқа» тизимини яратиш мақсадида туман (шахар)ларда Тадбиркорлар жамоатчилик кенгашини тузиш;

б) 2025 йил 1 январдан 4-иловага* мувофиқ вазирлик ва идораларнинг туман (шахар) бўлимлари раҳбарларини масъул вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, шунингдек, тегишли масъулларга рафбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

в) 2025 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар 3-иловага мувофиқ рўйхат бўйича туман (шахар)ларда ҳукуқий эксперимент тариқасида туман (шахар) ҳокимлиги фаолиятини «Ахоли ва тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилиш» янгича ёндашви асосида ташкил этиш.

Бунда туман (шахар)ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, вазирлик ва идораларнинг туман (шахар) бўлинмалари амалдаги штат бирликлари ҳисобига ҳокимга тўғридан-тўғри ҳисбот берадиган ва лойиҳани бошлаб, якунига етказадиган малакали ходимлардан иборат лойиҳа оғислари ташкил этилади.

Лойиҳа оғисларини тузиш ва штат бирликларини тақсимлаш масалалари Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Бунда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан бир ҳафта муддатда хulosasi тақдим этилади.

Лойиҳа оғислари томонидан амалиётга жорий этилган лойиҳалар натижадорлигидан келиб чиқиб, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан лойиҳа оғисларига жалб қилинган ходимларни меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўн барабаригача миқдорда бир марталик рафбатлантириш чораларини кўришга руҳсат берилади.

8. Вазирлик ва идоралар:

ўзининг тегишли комплексига кирувчи туман (шахар) ҳокимларининг ўринbosарларини ҳар йили квота доирасида тажриба алмашиш, замонавий иш услубларини ўргатиш мақсадида вазирлик (идора)ларнинг марказий аппаратига жалб этиш;

вазирлик (идора)ларнинг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган салоҳиятли кадрлари (бўлим бошлири ва ундан юқори лавозимлар)ни ротация асосида масъул лавозимларга вақтинчалик ўтказиш тартибини жорий этсин.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ушбу тартиби жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахри, туман (шахар)лар ҳокимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни

* 4-и洛ва «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳасини киритсин.

10. Мажаллий ҳокимият органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида мажаллий ҳокимликлар фаолиятини 10 та асосий йўналишларда ҳисобдорлигини ошириш бўйича «samaradorlik.uz» электрон платформасида баҳолаш амалиётини жорий этсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги «Мажаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-2691-сон қарорига 6-иловага* мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

13. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 декабрь,
ПФ-223-сон

* 5-6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

455 Сурхондарё вилоятининг төғли-рекреацион ҳудудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сурхондарё вилоятининг төғли ва төғ олди ҳудудларининг мавжуд туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мастер режа асосида хизмат кўрсатиш мажмуалари ва туризм инфратузилмаси объектларини, жумладан, меҳмонхоналар, оиласи махаллий мажмуалари ва туризм инфратузилмаси объектларини, жумладан, соғломлаштириш, умумий овқатланиш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, санаторий ва халқаро умуммавсумий курорт зоналарини ривожлантириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги кўмагида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан етакчи маҳаллий ва хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда Бойсун тумани Омонхона қишлоғи ҳудудидаги 220,5 гектар, Сариосиё тумани Сангардак қишлоғи ҳудудидаги 615 гектар, Жарқўрғон тумани «Оқтепа» сув омборининг қирғоқ бўйи ҳудудидаги 110 гектар ер участкаларида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва туризм инфратузилмаси объектларини, жумладан, соҳил туризми объектлари, меҳмонхоналар, оиласи махаллий мажмуалари ва туризм инфратузилмаси объектларини жойлаштиришни назарда тутувчи мастер режалар лойиҳалари ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг:

Бойсун тумани ҳудудидаги умумий майдони 220,5 гектар бўлган ер участкасида «Омонхона» туристик марказини;

Сариосиё тумани ҳудудидаги умумий майдони 615 гектар бўлган ер участкасида «Сангардак» туристик марказини;

Жарқўрғон тумани Обиҳаёт маҳалласидаги «Оқтепа» сув омборининг қирғоқ бўйи ҳудудидаги 110 гектар ер участкасида «Обиҳаёт» туристик марказини;

«Омонхона», «Сангардак» ва «Обиҳаёт» туристик марказларини (кейинги ўринларда — туристик марказлар) ривожлантириш ва бошқариш учун давлат муассасаси шаклида Сурхондарё вилоятida туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш дирекциясини (кейинги ўринларда — Дирекция) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Кўйидагилар:

«Омонхона» туристик маркази ҳудуди чегараларининг тавсифи 1-илова-га** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 16 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Сангардак» туристик маркази худуди чегараларининг тавсифи 2-иловага* мувофиқ;

«Обиҳаёт» туристик маркази худуди чегараларининг тавсифи 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда Вазирлар Маҳкамасига туристик марказларнинг чегаралари ва уларнинг тавсифларирига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

4. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргалиқда бир ой муддатда Дирекцияни ташкил этиш, жойлаштириш ва зарур моддий-техника базаси билан таъминлаш чораларини кўрсинг.

5. Белгилансинки, туристик марказлар худудларидағи:

умумий фойдаланишдаги ер участкалари мастер режа, бош режа ва бағасил режалаштириш лойиҳаларига мувофиқ инфратузилма объектлари ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларни барпо этиш учун Дирекцияга ва (ёки) ушбу объектларни қуриш, сақлаш ва фойдаланиш вазифасини амалга оширувчи бошқа давлат органлари, муассасалари ва корхоналарига доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратилади;

мастер режа, бош режа ва батағасил режалаштириш лойиҳаларига мувофиқ тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган бўш ер участкалари мулк хуқуқи ёки ижара хуқуқи асосида электрон онлайн аукцион орқали реализация қилинади;

бўш ер участкалари электрон онлайн аукцион орқали туристик марказларнинг мастер режа, бош режа ва батағасил режалаштириш лойиҳаларидан назарда тутилган объектларни барпо этиш шарти билан лотларга бўлинган ҳолда реализация қилинади. Бунда ҳар бир лот бўйича лойиҳанинг тахминий тавсифи ва архитектура қиёфасига, фойдаланишга топшириш муддатига талаблар белгиланади;

ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар (савдога чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар чегириб қолинган ҳолда) Дирекцияга ўтказилади;

ер участкаларини электрон онлайн аукцион орқали реализация қилишдан тушган тушумлар Дирекция фаолиятини молиялаштириш, туристик марказларни ривожлантириш, жумладан, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ҳамда инфратузилма билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни молиялаштиришга ўналтирилади.

Бунда тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун туристик марказлар худудларидағи ер участкалари уларда қуриладиган бино ва иншоотлар билан тайёр бизнес шаклида электрон онлайн аукцион орқали реализация қилиниши мумкин.

6. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг туристик марказлар худудларида хусусий инвестицияларни жалб қилган ҳолда 2025 — 2027 йилларда меҳмонхоналар, оиласиб мөхоммадий уйлари, хизмат кўрсатиш мажмуалари ва

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дам олиш масканларини қуриш мақсадида бўш ер участкаларини 10 йил муддатда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан электрон онлайн аукцион савдолариға чиқариш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда истисно тариқасида:

электрон онлайн аукцион савдоларида реализация қилинган ер участкалари бўйича дастлабки тўлов суммаси 15 фоиздан кўп бўлган ҳолларда қолган суммага Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича фоизларни ҳисоблаш тартиби амал қиласлиги белгилаб қўйилсин;

аукцион ғолиби томонидан дастлабки тўлов суммасининг камидаги 15 фоизи тўланганда, унга ер участкасига бўлган ижара ва мулк ҳуқуқини кредит таъминоти сифатида гаровга қўйиш ҳуқуқи берилсин.

7. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 4-иловада* келтирилган ер участкаларининг тоифасини суборилмайдиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерлари тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш юзасидан Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Ҳукумат комиссиясига таклиф киритсин.

8. Белгилансинки, туристик марказларда қуриладиган обьектлар худудига қадар ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини етказиб бериш, кўчириш ҳамда зарур инфратузилмани яратиш мақсадида тасдиқланган лоъиҳа-смета хужжатларига мувофиқ қўйидагилар:

электр тармоқларини қуриш ишлари — «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ таркибидаги ташкилот буюртмачилигига;

ичимлик ва оқова сув тизимини қуриш ишлари — «Ўзсувтаъминот» АЖ таркибидаги «Сув таъминоти ва оқова сув обьектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК буюртмачилигига;

алоқа ва интернет тармоқларини қуриш ишлари — «Ўзбектелеком» АК буюртмачилигига;

автомобиль ўйлларини қуриш ва таъмирлаш ишлари — Автомобиль ўйлари қўмитасининг тизим корхоналари буюртмачилигига амалга оширилади.

Бунда туристик марказлар худудига қадар:

электр тармоқлари, алоқа ва интернет тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ишлари тегишлича «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ ва «Ўзбектелеком» АКнинг ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

автомобиль ўйллари, ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ишлари республика ва маҳаллий бюджет ҳамда халқаро молия институтлари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

9. 2025-2026 йилларда «Омонхона», «Сангардак» ва «Обиҳаёт» туристик марказлари учун зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларини барпо этиш бўйича манзилли дастур 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

10. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Дирекция билан биргаликда:

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уч ой муддатда «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» бош лойиҳа ташкилотини жалб қилган ҳолда Омонхона ва Сангардак ҳудудлари бўйича ишлаб чиқилган мастер режа лойиҳалари асосида «Омонхона» ва «Сангардак» туристик марказларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқсин ҳамда уларни Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин;

икки ой муддатда Жарқўрғон тумани Обиҳаёт маҳалласидаги «Оқтепа» сув омборининг қирғоқ бўйи ҳудудидаги 110 гектар ер участкаси бўйича ишлаб чиқилган мастер режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

Белгилансинки, «Омонхона» ва «Сангардак» туристик марказларининг батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича:

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» ДУК — буюртмачи;

Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари, республика бюджетидан Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджетига ажратиладиган бюджет ссудаси ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар — молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

11. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Туризм қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда бир ой муддатда туристик марказларда обьектларнинг қурилишига салоҳиятли инвесторларни жалб этиш мақсадида ушбу ҳудудларнинг туристик имкониятлари тўғрисида видеоролик ва тарғибот материалларини тайёрлаб, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қиласин.

12. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Кадастр агентлиги, Бош прокуратура, «Ўзбеккосмос» агентлиги Дирекция билан биргаликда бир ой муддатда туристик марказлар ҳудудларидағи ер участкаларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, аниқланган ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ва ноқонуний қурилиш ҳолатларини қонунчиликда белгиланган тартибда бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсинг.

13. Тижорат банклари ва «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» АЖнинг туристик марказлар ҳудудида замонавий хизмат кўрсатиш мажмуалари ва туризм инфратузилмаси обьектларини, жумладан, меҳмонхоналар, оиласи мөхмон уйлари, соғломлаштириш, умумий овқатланиш обьектлари, савдо-кўнгилочар ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш обьектларини ташкил этиш бўйича ташаббускорларнинг лойиҳаларини молиявий қўллаб-куватлаш юзасидан ташаббуслари маъқуллансан.

14. Туристик марказларда обьектларни лойиҳалаш, қуриш ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш доирасида хорижий ташкилотлар вакиллари, инвесторлар ҳамда хорижий мутахассисларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Дирекция буюртманомалари асосида қисқа муддатда:

Ташқи ишлар вазирлиги — жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари белгиланган тартибда расмийлаштирилишини;

Ички ишлар вазирлиги — жалб қилинадиган хорижий мутахассислар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик визалар расмий-лаштирилиши, берилиши (муддати узайтирилиши) ҳамда вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилишини (муддати узайтирилишини);

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги — хорижий мутахассисларга (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) республика ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 2 августдаги ПҚ-3895-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 461-сон қарори билан тасдиқланган «Business city» замонавий ишбилармонлик марказлари рўйхати қўйидаги мазмундаги 15 — 17-бандлар билан тўлдирилсин:

- 15. «Омонхона» туристик маркази;
- 16. «Сангардак» туристик маркази;
- 17. «Обиҳаёт» туристик маркази».

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Боз вазир ўринbosарлари Ж.А. Қўчкоров, А.Ж. Раматов, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳакимов ва Сурхондарё вилояти ҳокими У.Б. Қосимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Боз вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 16 декабрь,
ПҚ-439-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

456 Ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида*

Спорт мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш, хусусий спорт клублари ҳамда маҳаллаларда спорт тўгаракларини ташкил этган тренерларнинг ёшларни мунтазам спорт билан шуғуллантириш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Спорт вазирлиги, Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини жисмоний тарбия ва спорт куни сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

а) туман (шаҳар)ларда оммавий ва профессионал спортни ривожлантириш ҳамда спорт сиёсатини юритиш Спорт вазирлиги тизимидағи спорт мактаблари томонидан амалга оширилади;

б) спорт мактабларининг фаолияти болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сонини босқичма-босқич ошириб боришга йўналтирилади;

в) 2025/2026 ўқув йилидан бошлиб:

худудларнинг ўзига хос хусусиятлари, ахолининг қизиқишилари, шунингдек, эришилган спорт натижалари ҳамда мавжуд спорт инфратузилмасидан келиб чиқиб, спорт мактабларини спорт турларига ихтисослаштириш амалиёти жорий этилади;

спорт мактабларида мавжуд штат бирликлари доирасида Спорт вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорда оммавий спорт бўйича тренер-селекционер лавозими жорий этилади;

хар бир оммавий спорт бўйича тренер-селекционерга 5 тагача маҳалла ва унинг худудидаги давлат таълим муассасалари бириктирилади;

оммавий спорт бўйича тренер-селекционер ўзига бириктирилган худудда ёшлар етакчилари ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари билан ҳамкорликда «Беш ташаббус олимпиадаси», «Жисмоний тайёргарлик даражаси» спорт синовлари ва бошқа оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиб боришга масъуль хисобланади;

спорт мактабларининг оммавий спортни ривожлантириш ва селекция бўйича директор ўринбосарлари ҳамда оммавий спорт бўйича тренер-селекционерлар базавий тариф ставкасига устамалар «Беш ташаббус олимпиадаси», «Жисмоний тайёргарлик даражаси» спорт синовларидағи натижалар ҳамда спорт мактабига селекция килинган иқтидорли ёшлар сонидан келиб чиқиб белгиланади.

* Ушбу карор «Қонунчилик маълумотлари миллый базаси»да 2024 йил 18 декабрда эълон қилинган.

3. Спорт турларига ихтисослаштириладиган спорт мактаблари рўйхати иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Бунда спорт турларига ихтисослаштириладиган спорт мактаблари учун ҳар йилги вазифа ва мақсадли кўрсаткичлар Спорт вазирлиги томонидан белгилаб борилади.

4. Спорт вазирлиги:

а) спорт мактабларида «Face ID» тизими орқали тренерлар ва спорт билан шуғулланувчиларнинг қунлик давоматини электрон мониторинг қилиб бориш ҳамда тренерларнинг иш ҳақи миқдори ўкувчи-спортчилар давоматидан келиб чиқиб белгиланишини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 августга қадар:

«ERP-Sport» ягона электрон бошқарув тизимини UzASBO-2 дастурий мажмуасига интеграция қилиш орқали спорт мактаблари тренерлари ва бошқа ходимларининг ойлик иш ҳақларига доир хужжатларни электрон алмашиш тизимини жорий қилиш чораларини кўрсин;

спорт мактабларини спорт турларига ихтисослаштириш ва уларнинг ходимларини моддий рафбатлантириш; шунингдек, спорт мактабларининг оммавий спортни ривожлантириш ва селекция бўйича директор ўринбосарлари ҳамда оммавий спорт бўйича тренер-селекционерлар базавий тариф ставкасига устамалар белгилаш бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳалари ни Вазирлар Махкамасига киритсан.

5. Белгилаб қўйилсанки, Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлеклари ҳар йили 1 февралга қадар Спорт вазирлиги билан келишган ҳолда ўз ҳудудларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга ошириладиган вазифалар ҳамда эришилиши лозим бўлган кўрсаткичларни белгилашни назарда тутувчи йиллик Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш дастурларини (кейинги ўринларда — ҳудудий дастурлар) тасдиқлайди.

Спорт вазирлиги ҳудудий дастурларда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини мунтазам равишда мониторинг қилсин ҳамда ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Махкамасига ахборот киритиб борсан.

6. Спорт вазирлигининг 2025/2026 ўкув йилидан бошлаб ҳудудлардаги олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари фаолиятини қўйидаги янгича тартибда ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансан:

олимпия ва миллий спорт турлари бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари негизида амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда спорт турлари бўйича маҳорат мактаблари (кейинги ўринларда — маҳорат мактаблари) ташкил қилинади;

маҳорат мактаблари фаолияти спорт турлари бўйича иқтидорли ёш спортчиларни саралаб олиш ва уларни терма жамоаларга асосий номзод си-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фатида тайёрлашга йўналтирилади ҳамда алоҳида спорт турларига ихтисослаштирилади;

маҳорат мактаблари ўқувчи-спортчиларининг умумий контингенти жами 150 нафардан кўп бўлмаган миқдорда 7 — 11-синф ўқувчиларидан иборат бўлади;

маҳорат мактаблари ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган 11-синф битирувчиларига давлат намунасидағи умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома берилади;

маҳорат мактабларида озиқ-овқат билан таъминлаш харажатларини қисман қоплаш учун ота-оналар тўлови ундирилмайди.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) маҳаллаларда спорт тўғаракларини ташкил этган тренерларга ўзи тайёрлаётган спортчиларни «ERP-Sport» ягона электрон бошқарув тизимида рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилади. Бунда:

мазкур тренерларга ўзини ўзи банд қилиш хуқуки берилади;

тренерлар ўз худудидаги спорт мактабига бириткирилади;

тренерларга тегишли молия йилида спорт мактабига ажратилган маблағлар доирасида ижтимоий буюртмани бажарганлик учун уларни рафбатлантириш тизими жорий этилади;

б) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар реестрини (кейинги ўринларда — реестр) юритиш тартиби жорий этилади. Бунда:

реестрга ихтиёрий тартибда спорт клублари; фитнес клублар, спорт таълим ташкилотлари, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритувчи бошқа юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар киритилади;

реестрга киритилган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга спортчиларни «ERP-Sport» ягона электрон бошқарув тизимида рўйхатдан ўтказиш хуқуки берилади;

реестр Спорт вазирлиги томонидан «ERP-Sport» ягона электрон бошқарув тизимида юритилади;

в) спорт паспорти амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда «ERP-Sport» ягона электрон бошқарув тизими орқали электрон шаклда берилади.

Бунда спорт паспорти маълумотлари шахснинг биометрик идентификация маълумотлари билан интеграция қилинади ҳамда спорт паспортини бериш бўйича ариза берувчидан ундириладиган тўловнинг Спорт вазирлигига ўтказиладиган қисми тўғридан-тўғри Спорт вазирлиги хузуридаги «Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази» МЧЖга йўналтирилади;

г) 2026 йилдан бошлаб спорт-таълим муассасаларининг тренер-ўқитувчилари ва ўёриқчи-услубчиларига малака тоифаларини бериш ҳамда спорт ҳакамларига малака тоифасини бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш проактив шаклга ўтказилади;

д) спорт федерациялари (уюшмалари) ва спорт турлари (спорт турининг тармоқлари) реестрини шакллантириш, юритиш ва реестрдан чиқариш тартиби Спорт вазирлиги томонидан белгиланади.

Бунда спорт федерациялари (уюшмалари) ва спорт турлари (спорт тури-

нинг тармоқлари)ни аниқ белгиланган мезонлар асосида реестрга киритиш ва реестрдан чиқариш тартиби жорий этилади;

е) жисмоний тарбия-спорт ташкилотларида тренерлик фаолияти бўйича малака оширганлик ҳақидаги сертификатга эга бўлмаган шахслар томонидан тренерлик фаолиятини амалга оширишга йўл қўйилмайди.

8. Белгилансинки, спорт инфратузилмасидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида 2025 йил 1 сентябрдан бошлаб спорт иншоотлари реестрини юритиш тартиби жорий этилади.

Бунда:

барпо этилиб, фойдаланишга топширилган спорт иншоотлари мулкдор ёки балансда сақловчининг аризасига мувофиқ спорт иншоотлари реестрига киритилади;

белгиланган тартибда фойдаланишга топширилган спорт иншоотини реестрга киритишини рад этишга йўл қўйилмайди;

спорт иншоотлари реестрини шакллантириш, юритиш ва спорт иншоотларини реестрдан чиқариш Спорт вазирлиги томонидан амалга оширилади ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар «ERP-Sport» ягона электрон бошқарув тизимида очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилади;

спорт иншоотлари реестрига киритилмаган спорт иншоотларида расмий спорт мусобақалари ўтказилмайди;

худудларда Спорт вазирлиги тизимидағи спорт иншоотларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид бўлмаган тадбирларни ўтказишига йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Махкамаси топшириклари ҳамда Спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда ўтказиладиган тадбирлар бундан мустасно.

9. Спорт вазирлиги:

а) 2025 йил 1 августга қадар:

Спорт турлари бўйича маҳорат мактаблари фаолиятини ташкил қилишини;

жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари реестрини, шунингдек, спорт иншоотлари реестрини шакллантириш, юритиш ва реестрдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда 2025 йил 1 августига қадар ўзини ўзи банд қилган тренерларни спорт мактабига биритириш ҳамда рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини;

в) 2025 йил якунига қадар «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Конуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини Вазирлар Махкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спорт вазири А.И. Икрамов белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президен-

ти Администрацияси департаменти раҳбари О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 18 декабрь,
ПҚ-443-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

457 Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштиришни янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида*

Кураш миллий спорт турини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиши, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ва хорижий мамлакатларда янада кенг тарғиб қилиш, шунингдек, курашни ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолиятни тизимли қўллаб-қувватлашни ташкил қилиш мақсадида:

1. Кураш халқаро ассоциацияси ва Ўзбекистон кураш федерациясининг Халқаро кураш институтининг кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолиятини янада кенгайтириш ҳамда унга қўйидаги қўшимча вазифаларни юклаш тўғрисидаги ташабbusи маъкуллансин:

кураш миллий спорт тури бўйича халқаро даражадаги малакали тренерлар ва ҳакамларни тайёрлашни йўлга қўйиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб бориш тизимини жорий этиш;

кураш миллий спорт тури бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириб бориш, шунингдек, зарур ўқув-услубий ва илмий-амалий қўлланмаларни ишлаб чиқиши ташкил қилиш;

кураш миллий спорт турининг янги йўналишларини жорий қилишда иштирок этиш, уларни оммалаштириш чораларини қўриш;

кураш миллий спорт тури тренерлари ва ҳакамларини хорижий давлатларга «экспорт» қилиши йўлга қўйиш;

курашни оммалаштириш, ривожлантириш ва дунёга танитиш ҳамда ушбу миллий спорт турини умумжаҳон миқёсидаги спорт турига айлантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириб бориш.

2. Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари зиммасига Кураш халқаро ассоциацияси ва Халқаро кураш институтининг кураш миллий спорт турини халқаро миқёсда ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолиятига қўмаклашиш вазифаси юклансин.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарининг Кураш халқаро ассоциацияси ва Халқаро кураш институтининг кураш миллий спорт турини халқаро миқёсда ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолиятига қўмаклашиш борасидаги хисоботларини ҳар олти ойда бир маротаба Олий Мажлис Сенатида эшлишиш амалиёти йўлга қўйилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон кураш федерациясига ўз молиявий ҳолатидан келиб чиқиб Халқаро кураш институти фаолиятини молиялаштириб бориш учун зарур маблағларни йўналтириб бориш хуқуқи берилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 21 декабрда эълон килинган.

маҳаллий йирик тадбиркорлик субъектларини Кураш халқаро ассоциациясига расмий ҳомий сифатида жалб қилиб бориш йўлга қўйилади;

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида кураш миллий спорт тури бўйича маҳаллий мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Халқаро кураш институти билан ҳамкорликда амалга оширилади.

4. Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Спорт вазирлиги «Йўл харитаси»да кўзда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича ҳар ярим йилда бир маротаба Вазирлар Махкамасига ахборот киритиб борсин.

5. Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича фаолиятни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

а) кураш миллий спорт тури бўйича жаҳон чемпионатларида (катталар, ёшлар) ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар, шунингдек, уларни тайёрлаган тренерларни Давлат бюджети маблағлари хисобидан Осиё ва Парамосиё ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчилар, шунингдек, уларни тайёрлаган тренерлар учун белгиланган рафбатлантириш суммаларининг ярми миқдорида бир марталик пул мукофоти билан рафбатлантириб бориш тизими жорий этилади;

б) Халқаро кураш институти фаолиятини молиялаштириш 2026 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджетидан республика бюджетига ўтказилади ҳамда ушбу мақсад учун ҳар йили 4,5 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ажратиб борилади.

Бунда ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Халқаро кураш институтига 2025 йилда Спорт вазирлигига ривожлантириш дастурлари учун ажратилган маблағлар хисобидан қўшимча 1,5 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ажратилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги «Кураш миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4881-сон қарорига 2-иловага* мувофиқ ўзгартишлар киритилсан.

7. Ташки ишлар вазирлиги Спорт вазирлигининг виза талабномалари га биноан Халқаро кураш институти томонидан ўқув курслари ва семинарларга жалб этиладиган чет эл мутахассисларига кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш хисобидан йиғимлар ундирмасдан, зарур ҳолларда Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида белгиланган тартибида расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсан.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шахсий жавобгар этиб спорт вазири А.И. Икрамов ва Ўзбекистон кураш федорацияси раиси Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси департаменти раҳбари О.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 декабрь,
ПҚ-450-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

458 2025 — 2027 йилларда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида

Сўнгги йилларда давлат харидлари тизимида шаффоффлик таъминланиши ва харидлар жараёнларининг рақамлаштирилиши ушбу соҳада рақобат муҳитини янада кенгайтириш ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган устувор ўйналишлардан келиб чиқсан ҳолда, давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш, шу жумладан, харид жараёнларини рақамлаштиришни жадаллаштириш ва «яшил» давлат харидларини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2025 — 2027 йилларда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

барқарор давлат харидларини тизимли ривожлантириш, шу жумладан, «яшил» давлат харидларини кенгайтириш;

давлат харидлари соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш;

давлат харидлари иштирокчиларининг шартнома мажбуриятларига риоя этишини мониторинг, таҳлил ва назорат қилишнинг рақамли технологияларга асосланган комплекс дастурини жорий этиш;

давлат харидлари соҳасида хавфни бошқариш, манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари, коррупция ва қонунчиликка зид ҳолатларни аниqlаш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

давлат харидларида тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш;

давлат харидлари соҳасида норматив-хуқуқий ҳужжатлар, ўқув-услубий, илмий ва ахборот-таҳлилий базани такомиллаштириш.

2. 2025 — 2027 йилларда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар режаси) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

2025 йил 1 июлга қадар халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, барқарор давлат харидларини, шу жумладан, «яшил» давлат харидларини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режасини, шунингдек, намунавий йўриқномани ишлаб чиқсин ва амалиётга босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсинг;

«яшил» давлат харидларини амалга ошириш доирасида давлат буюртмачиларининг салоҳиятини тизимли ошириб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланган Стратегия ва Чора-тадбирлар режасининг ўз вақтида ҳамда сифатли амалга оширилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 декабрь,
865-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 20 декабрдаги 865-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2025 — 2027 йилларда давлат харидлари тизимини
такомиллаштириш ва ривожлантириш
СТРАТЕГИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган асосий йўналиш ва мақсадлардан келиб чиқиб, давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг очиқ ва шаффоғлигини таъминлаш долзарб ҳисобланади.

Давлат харидлари жамиятнинг товарларга, ишларга ва хизматларга бўлган эҳтиёжини таъминловчи, шунингдек, иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатлари ва тузилишини давлат томонидан тартибга солувчи воситалардан бири бўлиб, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Давлат харидлари соҳасидаги сиёсатнинг асосий мақсади давлат буюртмачиларининг ўз функцияларини бажариши, давлат хизматларини кўрсатиши ҳамда инвестиция ва ишлаб чиқариш дастурларини амалга ошириши учун товарлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини энг самарали ўйл билан қаноатлантиришдан иборат.

Шу билан бирга, давлат харидлари тизими қўйидаги ижтимоий-иктисодий масалаларда самарали восита бўлиб хизмат қиласди:

барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

ахоли фаровонлигини таъминлаш, шунингдек, ахолининг ижтимоий заиф қатламлари ва гурухларини иқтисодий жарабёнларга жалб қилиш;

бозор иқтисодиёти тамойилларига мувофиқ рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратиш;

инновацияларни қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотларга ёки янги истеъмол хусусиятларига эга маҳсулотларга талабни шакллантириш;

барқарор харидларни қўллаб-қувватлаш орқали экологик ва табиат муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш;

давлатнинг озиқ-овқат, технологик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

2. 2025 — 2027 йилларда давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида» ва «Рақобат тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Стратегия давлат харидлари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш ва изчил давом эттириш, ушбу соҳани янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олади ҳамда ушбу тадбирларни амалга оширишади.

риш ва режалаштирилган натижаларга эришишни таъминлайдиган масъул ижрочиларни белгилайди.

4. Стратегия Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, давлат харидлари тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш натижалари, истиқболли ишланмаларни ўрганиш ва халқаро молия институтларининг тавсияларига асосланади.

2-боб. Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бўйича айрим масалалар

5. «Ўзбекистон — 2030» стратегияси доирасида белгиланган устувор йўналишлар асосида давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш зарурати мавжуд бўлиб, ўtkазилган таҳлиллар натижасида давлат харидлари соҳасида кўйидаги долзарб масалалар аниқланди:

давлат харидларида «яшил» харидлар улушининг сезиларли даражада камлиги;

тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали амалга оширилган давлат харидлари улушининг юқорилиги;

шартнома мажбуриятларининг бажарилишини мониторинг ва назорат қилишнинг яхлит тизимини такомиллаштириш зарурати;

давлат харидлари соҳасида шикоятларни қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги;

давлат харидларида олдиндан тил бириктириш, коррупция хатарларининг юқорилиги ҳамда манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатларнинг мавжудлиги;

давлат харидларида фаол иштирок этаётган тадбиркорлик субъектлари қамровининг камлиги;

харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва амалга оширишга масъул бўлган шахслар ҳамда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари мутахассисларининг касбий маҳорат даражаси замонавий талабларга жавоб бермаслиги кабилар.

3-боб. Стратегиянинг мақсадлари ва асосий йўналишлари

6. Стратегиянинг мақсади 2025 — 2027 йиллар давомида иқтисодий ўсишда муҳим бўлган барқарор, кенг рақобатга асосланган давлат харидлари тизимини жорий қилишга қаратилган давлат харидлари сиёсатини белгилашдан иборат.

7. Ўзбекистон Республикасида давлат харидларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратувчи, оқилона ва самарали барқарор давлат харидлари тизимини такомиллаштириш;

«яшил» давлат харидларининг улушкини ошириш, шунингдек, харид жаёнларида атроф-мухитни ҳимоя қилиш ва экологияга зарар етказилишини олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат буюртмачилари томонидан буюртмаларни шакллантиришда ва маҳсулотларни (товарларни) етказиб берувчиларни аниқлашда экологик стандартларни белгилаш, атроф-мухитга таъсири кам бўлган, экологик тоза ёки иккиласми хом ашё ва чиқиндилардан тайёрланган товарларни етказиб берувчиларга қулайликлар яратиш;

хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланадиган маҳаллий ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектларини қўллаб-куватлаш механизmlарини жорий этиш;

давлат харидлари жараёнининг барча босқичларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва электрон харидлар улушкини ошириш чораларини кўриш;

давлат харидларининг барча босқичларида комплекс мониторинг ва самарали назоратни таъминлайдиган ягона ва яхлит, самарали давлат харидларини бошқариш тизимини яратиш, давлат харидларида иштирок этувчи барча ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини мониторинг ва назорат қилиш, шартномаларга риоя қилиш интизомини мустаҳкамлаш, харид қилиш тартиб-таомилларида ишончли иштирокчиларнинг қонуний хуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

шикоятларни кўриб чиқиш механизmlарини такомиллаштириш ва автоматлаштириш;

манфаатлар тўқнашуви, коррупция ва тил биритириш, маблағларни ноконуний ўзлаштириш ҳамда шу каби бошка хуқукбузарликларнинг олдини олиш;

давлат харидлари ишончли иштирокчиларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, буюртмачиларнинг давлат харидлари тўғрисидаги қонуничилик хужжатларига риоя этишини тизимли мониторинг қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш;

давлат харидларида жамоатчилик назоратини кучайтириш;

давлат харидлари соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

давлат харидлари жараёнини тартибга солувчи норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, хуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш;

илфор хорижий тажрибани ўрганиш, давлат харидларининг барча босқичларини халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш мақсадида халқаро молия институтлари билан ўзаро ҳамкорлик алқаларини кенгайтириш.

Стратегияда назарда тутилган вазифа ва тадбирларни белгиланган асосий йўналишлар бўйича амалга ошириш натижаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ва илфор хорижий андозалардан ортда қолмайдиган ягона, шаффоф, юқори технологик ва барқарор давлат харидлари тизимини жорий этишдан иборат.

4-боб. Давлат харидлари тизимины ривожлантириш бўйича асосий вазифалар

4.1. Барқарор давлат харидлари

8. Давлат харидлари тизими мамлакатнинг барқарор ривожланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигиги таъминлаш соҳасидаги муҳим вазифаларни хал этишни қўллаб-қувватлайди.

Барқарор давлат харидларини жорий этиш халқаро майдонда давлатнинг ижобий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади.

Барқарор давлат харидлари тизимини жорий этишда қўйидаги асосий чора-тадбирлар ишлаб чиқилади:

давлат харидлари тизими орқали ёш тадбиркорлар, тадбиркор хотин-қизлар, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояяга муҳтоҷ қатламлари — ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлайдиган корхоналар ҳамда жазони ижро этиш муассасаларининг ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш;

«яшил» давлат харидларини жорий этиш (энергия тежовчи маҳсулотларни харид қилиш ва бошқалар);

атроф-муҳитга таъсири кам бўлган, экологик тоза ёки иккимаслини ашё ва чиқиндилардан тайёрланган товарларни етказиб берувчиларга қулайликлар яратиш;

ишлаб чиқарувчи корхоналар, шунингдек, кичик бизнес субъектларини тизимли қўллаб-қувватлаш, улар учун кенг имкониятлар яратиш, шу жумладан, узок муддатли шартномалар тузиш (оффтейк-шартномалар) ва бошқалар.

Барқарор давлат харидларини босқичма-босқич жорий этишда кадрлар малакаси оширилади, буюртмачилар учун методик қўлланмалар ишлаб чиқилади, харид ҳужжатларига «яшил» давлат харидлари тамойиллари ва мезонлари киритилади.

4.2. Давлат харидларида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш

9. Давлат харидларини янада такомиллаштириш, шаффофликни ошириш, рақобатни қўллаб-қувватлаш, коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, электрон маълумотлар алмашинувини давлат харидларининг барча босқичларда жорий этиш ва уларни таҳлил қилиш жараёнларини ривожлантириш давлат харидларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтиришни талаб қилади.

10. Давлат харидлари жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш кўламини ошириш бўйича чора-тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) давлат харидларининг шаффофлиги ва очиқлигини янада ошириш мақсадида қўйидагиларни таъминлаш учун маҳсус ахборот портали ва электрон давлат харидлари тизимларини модернизация қилиш:

очик маълумотларни қулай тарзда саралаш, юклаб олиш ва таҳлил қилиш учун соҳадаги электрон тизимларни такомиллаштириш;

давлат харидларининг электрон тизимидан рўйхатдан ўтишни соддлаштириш, давлат харидларини режалаштириш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш, уларнинг натижаларини мониторинг ва назорат қилиш мақсадида маҳсус ахборот портали ҳамда давлат харидлари электрон тизимлари билан тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида маълумот алмашинувини янада кенгайтириш;

маҳсус ахборот порталаида статистика ҳисоботларини шакллантириш асосида таҳлилий-ахборот тизимини жорий этиш;

барча иштирокчиларнинг таклифлари ҳамда харид комиссияси аъзолари томонидан баҳолаш натижаларини маҳсус ахборот порталаида очиқлаш;

давлат харидларида давлат назорати ҳамда жамоатчилик назоратини ташкил қилишда очик маълумотларни тизимлаштириш;

б) давлат харидларининг янги электрон усулларини жорий этиш, шунингдек, мавжуд электрон савдо платформаларини модернизация қилиш ва кенгайтириш;

в) манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик холатларини назорат қилувчи дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

г) хавфни бошқариш тизимини жорий қилиш;

д) шартномаларни бошқариш тизимини такомиллаштириш;

е) давлат буюртмачилари томонидан жойлаштирилаётган эълонларнинг электрон назорат тизимини йўлга қўйиш;

ж) иштирокчилар тақдим этган ҳужжатларни электронлаштириш орқали харид жараёнида тақрорий тарзда ҳужжатларни тақдим этмаслик тизимиға ўтиш;

з) давлат харидлари электрон тизимларининг мобиль версияларини жорий этиш;

и) давлат буюртмачилари ҳамда тадбиркорлик субъектларидан келиб тушидиган саволларга онлайн маслаҳатчилар орқали тезкор жавоб бериш тизимини жорий этиш;

й) давлат харидлари натижаларига кўра тузилган шартномалардаги товар (иш, хизмат)ларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни очиқлаб бориш;

к) маълумотларни рақамлаштиришни жорий этиш орқали харид ҳужжатларини, шунингдек шартномаларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш ва тизимлаштириш;

л) назорат органлари томонидан аниқланган хато ва камчиликлар асосида давлат буюртмачиларига хабарнома юбориш тизимини яратиш;

м) электрон тизим операторлари фаолиятини мувофиқлаштириш.

11. Давлат харидларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари натижасида электрон давлат харидлари тизими халқаро талабларга мувофиқ тарзда ривожланади ҳамда харидлар жараёнининг барча босқичлари рақамлаштирилади.

12. Рақамли технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш чора-тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли

технологиялар вазирлиги ҳамда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мувофиқлаштирилади.

4.3. Шартнома мажбуриятлари бажарилишини мониторинг, таҳлил ва назорат қилишнинг комплекс ва юқори технологияли тизимини яратиш

13. Давлат харидларида шартнома мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ва назорат қилиб боришининг самарали тизимини жорий этилиши, ушбу жараёнларининг юқори даражадаги шаффоғлигига ва бюджет маблағларининг тежаб сарфланишига эришиш имкониятини яратади. Мазкур тизимни жорий этиш қўйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

а) шартномаларнинг ягона реестрини такомиллаштириш бўйича:

шартномаларнинг ижроси ҳамда улар тўғрисида маълумотларнинг очиқланиши;

пудратчи ва субпудратчи ўртасида тузиладиган шартномалар тўғрисида-ги маълумотларнинг махсус ахборот порталида очиқланиши;

давлат харидларининг ахборот тизимларида шартномаларни электрон тарзда тузиш имкониятини яратиш ва амалиётга жорий қилиш;

шартнома лойиҳаларини юридик хизмат қўрсатиш марказларидан электрон шаклда экспертизадан ўтказиш амалиётини жорий этиш;

б) шартномалар мониторинги тизимини такомиллаштириш бўйича:

ўз вақтида ғолиб иштирокчи томонидан етказиб берилмаган товар (иш, хизмат)лар бўйича маълумотларни жамоатчилик учун очиқлаш;

мажбуриятлари ўз вақтида бажарилмаган шартномалар бўйича пеня ва жарималар қўллаш ҳамда шартномавий муносабатларни тартибга солиш мақсадида электрон маълумотлар алмашинуви орқали суд органларига кўриб чиқиш учун юбориш амалиётини жорий этиш;

шартномавий муносабатларни тартибга солишда ички аудит тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш.

14. Давлат буюртмачиларида давлат харидлари жараёнлари юзасидан комплаенс назорат, ички аудит тадбирларини амалга ошириш тартиби ва муддатлари аниқ белгиланади, шунингдек, аниқланган хато ва камчиликлар юзасидан аниқ чоралар ишлаб чиқилади.

Назорат ва аудит натижалари жамоатчилик учун очиқ бўлади.

15. Давлат харидлари махсус ахборот порталида маълумотларни узлуксиз тўплаш ва қайта ишлаш (таҳлил қилиш) имконияти яратилади.

16. Давлат харидлари мониторинги ва таҳлил тизимлари ҳамда харидлар самарадорлигини баҳолаш тизимлари миқдорий ҳамда сифат қўрсаткичларини ўз ичига олади. Бунда:

бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ва харидлар самарадорлигини баҳолаш учун маълумотларни умумлаштириш;

харидларни амалга ошириш жараёнида юзага келган қоидабузарликлар ва хатоликларни ўз вақтида аниқлаш;

шартнома мажбуриятлари бажарилмаганды жавобгарликни аник белгилаш;

давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш имконияти яратилади.

4.4. Шикоятларни кўриб чиқишининг замонавий тизимини яратиш

17. Давлат харидлари соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари қаторида харидлар натижалари бўйича шикоят қилиш ва эътиroz билдиришнинг шаффоф ва самарали тизимини жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

18. Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича ваколатлар замонавий услубиётдан келиб чиқиб такомиллаштирилади.

19. Шикоятни кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган тарафларнинг судга даъво киритиш жараёнлари соддалаштирилади.

20. Вужудга келган низоларни судгача ҳал қилиш босқичи сифатида мурожаат қилиш имкониятини таъминлаш учун қонунчиликда «муҳокама даври» кўзда тутилади. Бунда ғолиб аниқланган пайтдан бошлаб шартнома тузилгунга қадар бўлган вақт оралиғида судгача шикоят берувчилар ва харидлар иштирокчиларининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш имконияти яратилади.

21. Харид қилиш жараёнини кечиктирмаслик учун шикоятлар қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши, шикоятларни кўриб чиқиш даврида етказиб берувчи ва ғолибни аниқлаш ёки шартнома тузиш бўйича харакатларни тўхтатиш электрон тизимлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

22. Ҳар бир мурожаат ва уни кўриб чиқиш натижалари соҳалар кесимида маҳсус аҳборот порталаида очиқланади ва шу асосда давлат буюртмачиларининг жамоатчилик учун ҳисобдорлиги янада оширилади.

23. Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқишининг тезкор ва объектив тизими қўйидагилар орқали жорий қилинади:

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиши бўйича комиссиянинг фаолиятини қайта кўриб чиқиш орқали мустақил қарорларни қабул қилувчи давлат харидлари субъектлари бўлмаган шахслардан иборат комиссияни ташкил этиш;

давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқишининг халқаро талабларга жавоб берувчи электрон тизимини жорий этиш;

тезкор қарорларни қабул қилиш ҳамда шартнома мажбуриятларини бажариш жараёнида низолар ва келишмовчиликларни холисона ҳал қилиш учун медиацияяга, ҳакамлик судига ёки арбитраж судига мурожаат қилиш имкониятини оммага етказиш орқали кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш.

4.5. Давлат харидлари соҳасидаги коррупция ва бошқа ҳукуқбузарликларга қарши курашиш

24. Давлат харидларида коррупцияга йўл қўймаслик энг асосий шартлар-

дан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда давлат харидларидағи коррупциядан кўрилган йўқотишлар жами ажратмаларнинг 10 фоизигача, ривожланаётган мамлакатларда эса 25 фоизигача ва ЯИМнинг 2 фоизигача йўқотишларга олиб келади.

25. Коррупцияга қарши курашишда давлат харидлари тизимининг очиқлаши, харидларнинг электрон тарзда амалга оширилиши, дастлабки ички ва ташқи назорат ҳамда жамоатчилик назорати тизимининг ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари орқали самарали натижага эришилади.

26. Мавжуд чора-тадбирлар билан бир қаторда давлат харидларида коррупцияга қарши курашиш тизимини ташкил этиш учун коррупция ҳавфини баҳолаш, коррупцияга қарши курашишда масъул шахсларни белгилаш, харидларни режалаштириш каби қоидалардан иборат ҳавфни бошқаришнинг комплекс тизимини жорий этиш қўйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

а) коррупция хатарларини аниқлаш кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

б) харидларни оқилона режалаштириш ва йиллик харид режа-жадвалларини жамоатчиликка очиқлаш. Бунда режалаштириш босқичидаги назорат орқали зарур эҳтиёждан ортиқ истеъмол хусусиятларига эга бўлган маҳсулотларни харид қилиш ҳолатларининг олдини олиш имконияти яратилади;

в) коррупция ҳавфини аниқлашда замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, сунъий интеллектдан фойдаланиш, шу жумладан, коррупция ҳавфини аниқлашда индикаторларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда қўллаш;

г) давлат буюртмачиларининг харидларни режалаштириш, молиявий ресурслардан фойдаланиш, таъминот занжирини назорат қилиш, ишлаб чиқариш ва бошқа ҳўжалик жараёнларни ягона дастурий таъминот орқали тартибга солиш имкониятини яратиш;

д) Коррупцияга қарши курашиш ҳалқаро методикасининг талаб ва принципларини қўллаш;

е) давлат харидларини амалга оширишда маблағларни талон-торож қилиш ҳолатлари, товар ва хизматлар нархининг бозор қийматидан ошиб кетишининг олдини олиш бўйича жамоатчилик назоратини тўлақонли жорий этиш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш;

ж) календарь йил якуни билан давлат харидлари соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликларни (маъмурий, жиноий ва бошқа) умумлаштириш, таҳлил қилиш, шу орқали уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

4.6. Давлат харидлари соҳасида норматив-ҳуқуқий ва услубий базани такомиллаштириш

27. Норматив-ҳуқуқий ва услубий базани такомиллаштириш давлат харидлари тизимини бошқаришда асосий восита бўлиб, ушбу Стратегияда белгиланган соҳани ривожланишишнинг асосий йўналишларини қўллаб-қувватлаши керак. Стратегияда давлат харидлари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий

ва услугий базани такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

давлат харидларини тартибга солувчи тизимлаштирилган, ягона ва яхлит норматив-хуқуқий базани яратиш;

давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини молия, бюджет, фуқаролик ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш;

давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви, афилланганлик ва рақобатни чеклашга олиб келадиган ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этишининг хуқуқий асосларини яратиш;

давлат харидлари субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг бошланғич нархини аниқлаш ва иштирокчиларнинг ишбилармонлик салоҳиятини баҳолаш механизмларини жорий этиш;

давлат харидлари соҳасида харид қилиш ва коррупцияга қарши курашиш стандартлари бўйича сертификатлаштириш тизимини жорий этиш;

айрим турдаги товар (иш, хизмат)лар бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнларини содлаштириш;

давлат буюртмачилари томонидан харид қилиш ҳужжатларини шакллантиришда белгиланадиган асосий мезонларни қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, рақобатни чекловчи талаблар киритилишини тақиқловчи нормаларни янада кучайтириш;

давлат харидлари электрон тизимининг операторига қўйиладиган талабларни илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш;

харид комиссияси томонидан иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш тизимини тартибга солиш ҳамда харид комиссияси фаолиятини босқич-ма-босқич қисқартириш орқали инсон омилиниң аралашувини сезиларли камайтириш;

давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жараёнларни оптималлаштириш, муддат ва харажатларни қисқартириш;

давлат харидларида фойдаланиладиган ҳужжатларнинг намунавий шаклларини, давлат буюртмачилари учун услугий тавсиялар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш, техник шартлар ва талабларни белгилашда миллий ва халқаро стандартлардан фойдаланиш;

халқаро талабларга мувофиқ «муҳокама даври»ни (standstill period) тендер савдоларида ҳам қўллаш;

қонунчилик талабларига мувофиқ давлат харидлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш чораларини кўриш;

давлат харидлари субъектларининг давлат харидларидаги масъулиягини ошириш.

28. Давлат харидларида янгиланган норматив-хуқуқий ва услугий асослар:

а) давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини мувофиқлаштиради ҳамда хуқуқий бўшлиқларни бартараф этади;

б) харид қилиш тартиб-таомилларининг рақобатли усусларидан фойда-

ланган ҳолда, электрон давлат харидларини амалга ошириш жараёнларини тартибга солади;

в) давлат харидларининг барча босқичларини, харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш қоидаларини, харид қилиш ҳужжатлари таркибини, шартномавий муносабатларни тартибга солади;

г) ракобат даражасини ошириш ва харидлар жараёнини шаффоф ва адолатли ташкил этиш, иштирокчилар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат харидлари самарадорлигини таъминлашга кўмаклашади;

д) давлат харидларининг барқарорлигига қаратилган ижтимоий, иқтисодий ва атроф-муҳит омиллари ҳисоби ҳамда уйғунлиги қўйидагилар орқали таъминланади:

эҳтиёжлардан келиб чиқиб белгиланган миқдорларда, шунингдек, истеъмол хусусиятларига кўра зарур бўлмаган товарларни харид қилмаслик;

барча фойдаланиш харажатларини ҳисобга олиш ҳамда маҳсулотдан фойдаланишнинг бутун давомида нархлар ва сифатнинг мақбул нисбатларини таъминлаш;

атроф-муҳитга салбий таъсир ва товарларни ишлаб чиқаришда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ҳисобга олиш;

е) кичик бизнес субъектлари, тадбиркор хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатидан фойдаланадиган корхоналар, давлат харидларидағи ишбилармонлик салоҳияти юқори бўлган тадбиркорлик субъектларига қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча имконият бериш назарда тутилади;

ж) манфаатлар тўқнашуви, картель келишувлар ва аффилланганлик ҳолатлари, давлат харидларида олдиндан тил бириктириш ва бошқа ҳуқуқ-бузарликларнинг олдини олишга қаратилган, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахслари, буюртмачилар ва етказиб берувчилар ўртасидаги бошқа коррупция холатларини масофавий аниқлаш механизмлари кенг жорий этилади;

з) давлат харидлари электрон тизими операторлари фаолиятини тартибга солиш қўйидагилар орқали такомиллаштирилади:

операторлар фаолиятига қўйиладиган талабларни кучайтириш, мазкур фаолиятга рухсат бериш, уларни назорат қилиш, шунингдек, операторлик фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ёки тугатиш ёхуд бекор қилиш тартиби;

давлат харидларининг электрон тизимларига, шу жумладан, уларнинг ахборот хавфсизлигига, маълумотларни қайта ишлаш марказига ва дастурий қурилмаларга қўйиладиган техник талабларни белгилаш;

и) шикоятларни кўриб чиқиши механизми ва тартиби такомиллаштирилади;

й) давлат харидларини амалга оширишдаги жараёнларни мақбуллаштириш, ортиқча ҳужжатбозликка чек қўйиш, такрорланишлар, муддат ва харажатларни қисқартириш имконини беради, субъективлик ва бюрократик расмиятчиликдан сақланишини таъминлайди;

к) давлат буюртмасини жойлаштиришда харид қилинадиган маҳсулот-

ларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда бошлангич нархни аниқлаш, шунингдек, тўғридан-тўғри шартнома тузишда нархни асослашнинг мақбул усулларини белгилайди;

л) давлат харидлари тизимини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини акс эттирувчи давлат харидлари бўйича мутаносиб, уйғун норматив-хукуқий база яратилади.

29. Давлат харидлари соҳасини тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатлар ва услубий қўлланмалар лойиҳалари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқлади.

30. Айрим турдаги товар (иш, хизмат)ларни харид қилиш бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топширикларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнлари такомиллаштирилади ва жамоатчилик учун мажбурий тарзда муҳокамага қўйиш тизими жорий этилади.

31. Рақобатсиз харид турлари асосида тўғридан-тўғри тузиладиган шартномаларни мажбурий тарзда жамоатчилик учун муҳокамага қўйиш амалиёти жорий этилади.

32. Давлат харидлари соҳасида ягона давлат сиёсати ва рақобат тамоилларини таъминлаш, тадбиркорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат харидларини амалга оширишни назарда тутувчи барча норматив-хукуқий ҳужжатлар Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан мажбурий тартибда келишилади.

4.7. Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш бўйича халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликни ташкил этиш ҳамда уларнинг салоҳиятидан фойдаланиш

33. Хорижий ва халқаро ташкилотлар, молия институтлари давлат харидлари тизимини ривожлантиришда катта тажрибага эга.

Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари тизимини ривожлантириш, хорижий тажрибани пухта ўрганиш ва мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш мақсадида етакчи хорижий ва халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтларининг вакиллари билан тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Стратегияда давлат харидлари соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишда хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан техник ва бошқа ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, экспертларни жалб қилиш назарда тутилади. Бунда лойиҳаларнинг тақорланишига йўл қўймаслик асосий тамойил бўлади, шунингдек, мамлакатимизда талаб қилинадиган ушбу соҳадаги лойиҳаларни амалга оширишда хорижий ва халқаро ташкилотларнинг тажрибаси, ресурслари ва имкониятлари мужассамлаштирилади.

Хорижий ва халқаро ташкилотлар, молия институтлари билан биргаликда давлат харидлари соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича изчил ислоҳотлар тизимли давом эттирилади.

5-боб. Давлат харидларини бошқариш тизимини такомиллаштириш

34. Давлат харидлари самарадорлигини ошириш учун ягона сиёсатни юритиш, ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш, комплекс мониторинг ўтказиш, давлат харидларини амалга оширувчи барча ташкилотларнинг харидлар жараёнларини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган ягона ва яхлит бошқарув тизими Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

35. Давлат харидларини бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали қўйидагилар таъминланади:

девлат харидлари субъектларининг ўзаро алоқалари янада кенгайтирилади;

девлат харидларини такомиллаштиришга, шу жумладан, уларнинг самарадорлиги, ошкоралиги ва холислигини оширишга қаратилган чоралар кўрилади;

девлат харидлари субъектлари ва жамоатчилик учун давлат харидлари масалалари юзасидан тадбирлар ташкил этилади;

тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига фаол жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат харидлари субъектларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш масалалари бўйича ташаббус билан чиқилади;

девлат харидларининг электрон тизими операторларининг фаолиятини мониторинг қилиш тизими такомиллаштирилади;

девлат буюртмачиларининг масъул шахсларини сертификатлаш тизими йўлга кўйилади;

девлат харидларининг самарадорлиги ва натижадорлигини аниқлаш механизmlари ишлаб чиқилади;

девлат харидларида инновацион харидларни рафбатлантириш механизmlари ишлаб чиқилади;

девлат харидларида имтиёз ва преференцияларининг қўлланилиши ва сармаси юзасидан ўрганишлар ўтказилади;

барқарор ривожланиш мезонлари асосида жорий этиладиган «яшил» давлат харидларида маҳаллий «яшил» товарлар бозори ривожлантирилади;

девлат харидларини амалга оширишда сунъий интеллект воситаларидан фойдаланиш имкониятлари яратилади;

«яшил» давлат харидлари орқали экологик мухитнинг яхшиланишига кўмаклашиб борилади ҳамда атроф-мухитга бўлган салбий таъсирни камайтиришга қаратилган чоралар кўрилади.

36. Харид қилиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга олиб келувчи омилларни, давлат харидларида манфаатлар тўқнашувини ва рақобатни чеклаш холатларини аниқлайди, қонунчиликка риоя этилиши бўйича тегишли чоралар кўрилишини таъминлайди.

6-боб. Давлат харидлари тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш

37. Кадрлар салоҳиятини оширишнинг асосий мақсади буюртмачилар ва етказиб берувчилар манфаатлари йўлида давлат харидлари тизимидан самарали фойдалана оладиган ҳамда харид қилиш тартиб-таомилларини профессионал даражада қўллай оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш ва давлат харидларида кадрлар қўнимсизлигини камайтиришдан иборат.

38. Ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш давлат харидлари соҳасида кадрларга бўлган эҳтиёжнинг миқдорий ҳамда сифат кўрсатичларини тўлиқ баҳолашга асосланган бўлади.

39. Амалга оширилаётган харидларнинг мураккаблик даражасига қараб, давлат харидлари билан шуғулланадиган ходимлар учун малакавий талаблар ишлаб чиқилади.

40. Ушбу йўналишдаги тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

давлат харидлари соҳасидаги мутахассислар, ваколатли давлат органлари ходимлари ва давлат харидлари иштирокчиларининг малакасини ошириш бўйича доимий равишда курслар ташкил этиши;

тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг давлат харидлари тартиб-таомиллари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш.

41. Стратегияни амалга оширишнинг дастлабки босқичида асосий эътибор харидлар учун масъул бўлган ходимларнинг малакасини оширишга қаратилади.

42. Ўқув дастурлари давлат харидлари иштирокчиларининг эҳтиёжларига мувофиқ бўлиши ва энг самарали, қулай ва замонавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилиши керак.

Бунда масофавий таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва кенг миқёсда қўллаш назарда тутилади.

43. Давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун харидлар бўйича малака стандартлари ишлаб чиқилади.

44. Давлат буюртмачилари ва харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун малакали кадрларни тайёрлаш ҳамда ишга жалб қилиш ва малакали мутахассисларни иш билан таъминлаш мақсадида ахборот технологияларини фаол жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш йўлга қўйилади.

45. Тадбиркорлик субъектларининг хорижий давлатлар тендер савдоларида иштирокига кўмаклашиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

46. Олий таълим муассасаларида давлат харидлари бўйича ўқув дастурлари асосида курслар жорий этилади ҳамда унга замонавий билимга эга бўлган эксперт ва педагоглар жалб қилинади.

47. Давлат буюртмачиларида харидлар билан ишловчи мутахассислар белгиланади.

7-боб. Стратегияни амалга ошириш механизмлари

48. Стратегия 2025 — 2027 йилларда Ўзбекистон Республикасида давлат харидларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича комплекс

чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ таъминлаш орқали амалга оширилади.

49. Комплекс чора-тадбирларнинг барча таркибий қисмларини ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан вазирликлар ҳамда идоралар томонидан тақдим этилган тадбирларнинг бажарилишини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

50. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган сифатида қўйидагиларни таъминлайди:

комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш нуқтаи назаридан масъул ижрочилар — вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

давлат харидларининг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;

давлат харидлари соҳасида норматив-ҳукуқий хужжатларни такомиллаштириб бориш.

51. Масъул ижрочилар ҳисобланган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар қўйидагиларни таъминлайдилар:

белгиланган муддатлар ва иш ҳажмига мувофиқ чора-тадбирлар мажмуасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш;

ҳар йили кейинги ҳисобот йилида тегишли тадбирларни амалга ошириш бўйича иш режасини ишлаб чиқиши ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига чора-тадбирлар мажмуасида белгиланган вазифаларни бажариш борасидаги ҳисоботларни тақдим этиб бориш.

8-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

52. Стратегияни амалга ошириш орқали давлат харидларининг ягона, яхлит ва барқарор тизими яратилади, бу эса ўз навбатида, қўйидагиларни таъминлайди:

давлат харидларини очиқлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ташкил этиш, унинг барча босқичларида самарали жамоатчилик назоратини янада кенгайтириш;

давлат буюртмачиларининг эҳтиёжларини зарур товарлар, ишлар ва хизматлар билан нарх ва сифатнинг мақбул нисбатини ҳисобга олган ҳолда таъминлаш механизмини яратиш;

молиявий маблағлардан оқилона, тежамкор ва самарали фойдаланиш;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида холис ва адолатли рақобат муҳитини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг жавобгарлик ва масъулият даражасини ошириш;

давлат харидларида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

барқарор давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, «яшил» давлат харидларнинг улушкини ошириш;

давлат харидларини амалга оширишда ижтимоий, иқтисодий ва экологик омилларнинг мутаносиблигини ҳисобга олиш;

давлат харидлари соҳасида коррупцияга оид хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг барвақт олдини олиш, коррупцияга оид хуқуқбузарликни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;

давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш механизмини такомиллаштириш;

рақобатсиз харид турлари улушкини икки бараварга камайтиришга эришиш;

давлат харидларини амалга оширишда рақамли технологиялардан фойдаланиш кўлламини ошириб бориши, шу жумладан, электрон давлат харидларини амалга ошириш усулларини такомиллаштириш орқали савдо айланмасини кўпайтириш, тегишли платформалар сонини оширишни ва ахборот инфратузилмасини такомиллаштиришни таъминлайди.

Давлат харидлари тизимининг такомиллаштирилиши натижасида барқарор иқтисодий ўсиш доирасида қўйидагиларга эришилади:

давлат инвестиция дастурлари ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳасини янада ривожлантириш дастурларини самарали амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рақобат мухитини ривожлантириш;

ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари меҳнатидан фойдаланадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш;

коррупция хатарларини камайтириш ҳамда барча иштирокчилар учун очиқ ва шаффоғ давлат харидлари тизимини яратиш;

давлат харидлари йўналишидаги халқаро стандартлар ва рейтинглардаги кўрсатичларни яхшилаш.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

459 **Мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг узлуксиз
касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 21 июнданги ПҚ-231-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, педагогларнинг узлуксиз касбий ривожланиши учун етарли шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2024 йил 21 июнданги ПҚ-231-сон қарорига мувофиқ:

а) мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари раҳбар, педагог ва муваҳассис кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизими жорий қилинганлиги;

б) Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва муваҳассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бўйсунувига ўтказилганлиги;

в) 2025 йил 1 январдан бошлаб:

мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришнинг вертикал тизими (вазирлик — малака ошириш муассасаси — таълим ташкилоти) йўлга қўйилиши;

мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларининг ходимлари учун беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда ўтказиладиган малака ошириш курслари жорий қилиниши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

узлуксиз касбий ривожлантириш тизими, унинг мақсади ва асосий вазифалари;

узлуксиз касбий ривожлантиришнинг турлари ва уларни ташкил этиш тартиби;

узлуксиз касбий ривожлантириш сифатини баҳолаш ва назорат қилиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимча киритилсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 20 декабрь,
868-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 24 декабрдаги 867-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари
ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришни ташкил
этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мактабгача ва мактаб таълими тизимидағи раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларни (кейинги ўринларда — раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларни) узлуксиз касбий ривожлантиришни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

буюртмачи — Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, тизимида мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, нодавлат мактабгача ва умумтаълим ташкилотлари;

касбий ривожлантириш таълим ташкилоти — А. Авлоний номидағи Педагогик маҳорат миллий институти, Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, Педагогик маҳорат марказлари, малака ошириш фаолияти билан шуғулланадиган нодавлат таълим ташкилотлари, педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари;

мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланадиган касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари реестри (кейинги ўринларда — Реестр) — мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи таълим ташкилотлари тўғрисидаги маълумотлар базасини ўз ичига олган электрон ахборот тизими;

малака талаблари — касбий ривожланиш курси битирувчисининг умумий билим ва касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар;

малака ошириш курси — малака оширишнинг тасдиқланган ўкув рејаси ва дастурлари асосида ишлаб чиқилган машғулотлар тизими;

мутахассис ходимлар — мактабгача ва мактаб таълими тизими ташкилотларида психолог, методист, кутубхоначи, кадрлар бўйича менежер, лаборант, йўриқчи лавозимларида фаолият кўрсатувчи шахслар;

оралиқ назорат — курс давомида ўкув дастурининг муайян бўлими (модули) тугаллангандан кейин тингловчининг билим ва амалий қўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули;

педагог ходимлар — мактабгача, мактабдан ташқари таълим ташкилотларида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси асосида таълим ва тарбия соҳасида касбий фаолиятни амалга оширувчи ҳамда тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган жисмоний шахслар;

раҳбар ходимлар — мактабгача, мактабдан ташқари ва мактаб таълими ташкилотлари, уларнинг таркибий бўлинмаларида бошқарув функциялари ва вазифаларини бажарувчи шахслар;

табақалашган таълим дастурлари — раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларнинг малака тоифаси, касбий маҳорати ва билим кўрсаткичларидан келиб чиқиб, касбий билимлар, қўникмалар ва маҳоратларни мунтазам равишда янгилашга мўлжалланган таълим дастурлари;

tinglovchi — касбий ривожлантириш таълим ташкилотининг қайта тайёрлаш ёки малака ошириш курсига қабул қилинган ходим;

узлуксиз касбий ривожлантириш тизими (кейинги ўринларда — узлуксиз касбий ривожлантириш) — ходимларнинг касбий компетентлигини замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, мунтазам равишда ривожлантириб бориш имкониятини берувчи тизим;

«Узлуксиз касбий таълим» маҳсус электрон платформаси (кейинги ўринларда — электрон платформа) — ўкув модуллари контентларини яратиш, сақлаш ва таълим олувчиларга тақдим этиш, шунингдек, таълим олувчиларни рўйхатга олиш ва уларга ўкув модулларини онлайн тарзда ўзлаштириш имкониятини берувчи маҳсус электрон дастурий тизим;

қайта тайёрлаш курси — қайта тайёрлашнинг тасдиқланган ўкув рејаси ва дастурлари асосида ишлаб чиқилган машғулотлар тизими;

электрон портфолио — раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларнинг касбий фаолияти ва мустақил малака ошириш натижаларини баҳолашга қаратилган ўкув-методик, илмий-тадқиқот ва ижодий иш материалларни қамраб олувчи маълумотлар базаси;

якуний аттестация — малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари охиридаги якуний назорат синови, илғор педагогик услугуб ва технологияларни қўллаш бўйича топширикларни бажаришдан иборат малака иши ёки битирув ишини ҳимоя қилиш шаклида ўтказиладиган баҳолаш жараёнлари;

якуний назорат синови — курс якунида унинг дастурига кирувчи фанлар бўйича назарий билим ва амалий қўникмаларни тингловчилар томонидан ўзлаштириш даражасини баҳолаш усули;

ўқув модули — нисбатан мустақил, мазмунан яхлит ўқув курси ёки таълим технологиясининг минимал ҳажмдаги таркибий бирлиги.

2-боб. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мақсади ва асосий вазифалари

3. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мақсади — ходимларнинг эгал-лаб турган лавозимлари, мутахассислиги ёки дарс берадиган фанлари бўйича касбий ва педагогик маҳорати доимий равишда ўсиб боришини, уларнинг илфор педагогик ва ахборот технологиялари, шунингдек, ўқитишининг инте-рактив усуслари бўйича касбий билимлари, малака ва кўникумлари мунта-зам равишда янгилаб боришини таъминлашдан иборат.

4. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг асосий вазифалари:

раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларнинг касбий билимлари, кўникумлари ва маҳоратларини узлуксиз янгилаб бориш механизмларини жорий этиш, замонавий талабларга мувофиқ таълим сифатини таъминлаш учун зарур даражада касбий тайёргарлигини амалга ошириш;

педагог ходимларни касбий маҳорати ва билим салоҳиятидан келиб чиқиб, касбий эҳтиёжларига мос келадиган табақалашган таълим дастурла-рини ўзлаштиришга йўналтириш, методик компетентлик даражасини оши-риш ва касбий маҳоратини такомиллаштириш, замонавий таълим ва тарбия методикаларини ўзлаштириш;

таълим сифатини оширишнинг асосий манбаи сифатида педагог ходим-ларнинг касбий ривожланиши, ташаббускорлиги, ижодкорлиги ва маҳорати-ни рағбатлантириш;

ходимларнинг тайёргарлик сифатига қўйиладиган малака талабларини такомиллаштириш;

ходимларнинг доимий касбий ривожланиши учун кенг имкониятлар тақ-дим этадиган таълим мухитини яратиш.

3-боб. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг вертикал тизими

5. Узлуксиз касбий ривожлантиришнинг вертикал тизимига қўйидагилар киради:

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазир-лик);

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик);

Қорақалпогистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирли-ги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача ва мактаб таълими бошқармала-ри (кейинги ўринларда — Худудий бошқармалар);

туман (шахар) мактабгача ва мактаб таълими бўлнимлари;

А. Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти (кейинги ўринларда — Институт);

Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (кейинги ўринларда — Мактабгача таълим институти);

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар Педагогик маҳорат марказлари (кейинги ўринларда — Ҳудудий марказлар);

педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари;

малака ошириш фаолияти билан шуғулланадиган нодавлат таълим ташкилотлари;

мактабгача таълим ташкилоти, Президент, ижод, ихтисослаштирилган, умумий ўрта таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасалари.

6. Вазирлик:

замонавий талабларга мувофиқ узлуксиз касбий ривожлантириш тизими такомиллаштириб борилишини таъминлайди;

тасарруфидаги касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг ўқув-методик ва моддий-техник базасини такомиллаштириш чораларини кўради;

узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларини хорижий тажрибалар асосида доимий такомиллаштириб боради;

узлуксиз касбий ривожлантириш курслари ўқув режалари ва дастурларининг белгиланган талабларга мос бўлишини таъминлайди;

ҳар йиллик режа кўрсаткичларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қиласди;

узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларини Давлат бюджетидан молиялаштириш чораларини кўради;

тизимдаги раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланувчи касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари фаолиятига умумий раҳбарлик қиласди;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг давлат таълим талабларини, малака ошириш курсларининг малака талабларини, ўқув режаси ва дастурларини тасдиқлайди.

7. Агентлик:

тасарруфидаги таълим муассасалари ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш курслари ўқув режалари ва дастурларини шакллантиради ва тасдиқлаш учун Вазирликка тақдим этади;

ходимларни касбий ривожлантириш бўйича умумлаштирилган буюртмаларни Институтга тақдим этади;

тасарруфидаги таълим муассасалари ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш курсларига ўз вақтида ва тўла жалб қилинишини таъминлайди.

8. Ҳудудий бошқармалар:

ходимларнинг узлуксиз касбий ривожлантириш курсларига ўз вақтида ва тўла жалб қилинишини таъминлайди;

навбатдаги календарь йилда ходимларни касбий ривожлантириш буюртмаларини шакллантиради ҳамда малака ошириш йўналишлари ва ташкилотлари бўйича гурухларга ажратган ҳолда умумлаштиради;

ходимларнинг ҳудуд, туман ва шаҳарлар миқёсидаги, шунингдек, мактаб

ва мактабдан ташқари таълим муассасаларидаги касбий ривожланиш кунлари ва касбий ривожланиш соатлари тадбирларини ташкил қилади;

ходимларни касбий ривожлантириш бўйича умумлаштирилган буюртмаларни Вазирликка тақдим этади, шунингдек, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларининг электрон платформа билан ишлаш фаолиятини мувофиқлаштиради;

узлуксиз касбий ривожлантириш курсларининг ўкув режаси, дастури, ўкув-методик ва бошқа ҳужжатларини тайёрлаш, ўкув курсларининг давомийлиги ҳамда уларни ташкил этиш шакллари бўйича Институтга таклифлар киритади.

9. Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари:

электрон платформага ходимлар тўғрисидаги маълумотлар тўғри киритилишини назорат қилади;

мактаб, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари томонидан навбатдаги календарь йил учун малака оширишнинг режа кўрсаткичларига таклифларни йиғади, умумлаштиради ва Ҳудудий бошқармaga тақдим этади;

педагог ходимларнинг тасдиқланган режа кўрсаткичлари бўйича малака ошириш курсларига юборилишини назорат қилади;

ходимларнинг туман (шаҳар) миқёсидаги, шунингдек, мактаб, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларидаги узлуксиз малака ошириш тадбирларини ташкил қилади;

ходимларнинг ишдан ажралмаган шаклдаги малака ошириш жараёнлари мониторингини юритади.

10. Институт:

Вазирлик тасарруфидаги касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари учун бош таълим муассасаси ҳисобланади ҳамда уларнинг ўкув, методик ва илмий фаолиятига раҳбарлик қилади;

Президент мактабларида ўқувчиларни ўқитиш, касб-хунарга йўналтириш, уларда танқидий фикрлаш, ахборотни излаш ва таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, олинган билимларни амалиётда кўллаш бўйича тўпланган илфор тажрибаларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими орқали умумий ўрта таълим муассасаларига кенг татбиқ этади;

ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш тизими самарадорлигини таъминлайди, уларнинг касбий билим, кўникма ва маҳоратини мунтазам ошириб боради, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг анъанавий, мұқобил, дуал ва мустақил шаклларини амалиётга кенг жорий этади;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг ўкув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади ҳамда уларни замон талаблари ва хорижий илфор тажрибалар асосида такомиллаштириш бўйича Вазирликка таклиф киритади;

келажак мактаби, унинг раҳбари ва ўқитувчисининг моделини яратиш асосида умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг касбий стандартларини ишлаб чиқади ва доимий равишда ривожлантириб боради, ўкув-методик фаолиятнинг таълим жараёни билан боғлиқлигини мустаҳкамлайди;

давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари учун узлуксиз касбий ривож-

лантириш курсларининг намунавий ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади, доимий янгилаб боради ва тасдиқлаш учун Вазирликка киритади;

умумий ўрта таълим соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганинди ва мамлакатимизда жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади, хорижий етакчи таълим ташкилотлари билан халқаро алоқаларни ривожлантиради;

малака ошириш курсларининг таълим мазмунига халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, TIMSS, PIRLS) бўйича модулларни киритиб боради;

умумий ўрта таълимнинг долзарб муаммолари юзасидан турли дастур ва лойиҳаларни амалга оширади, илмий-услубий конференция ва семинарлар ташкил қиласди;

докторантурда йўналишлари ва магистратура мутахассисларни бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлайди, илмий ходимларнинг касбий билим даражасини доимий ошириб боради;

электрон платформани юритади ва унинг фаолиятини такомиллаштириб боради.

11. Мактабгача таълим институти:

мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари учун узлуксиз касбий ривожлантириш курсларини ташкил этади;

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича электрон платформага маълумотларни киритишни ташкил қиласди;

ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади;

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш фаолияти билан шуфулланаётган нодавлат таълим ташкилотлари учун намунавий ўқув режаси, дастур, ўқув-методик ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқади, шунингдек, курсларнинг ўқув-услубий таъминотини доимий янгилаб боришга кўмаклашади ва тасдиқлаш учун Вазирликка киритади;

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларининг якуний аттестацияси топшириқларини ишлаб чиқади;

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини назорат қиласди ва мониторингини юритади;

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини илмий-методик жиҳатдан таъминлайди, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказади, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этади;

мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича хорижий тажрибани ва таълим муассасаларининг эътироф этилган ютуқларини таҳлил қиласди ва умумлаштиради;

мактабгача таълимнинг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширади, илмий, илмий-амалий конференциялар, семинарлар, ўйнилишлар ташкил қиласди;

мактабгача таълимни ташкил этишининг янги технологиялари, воситаларни ошириш жараёнларини назорат қиласди;

ри ва шаклларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва экспертиза қилишда иштирок этади;

Худудий марказларнинг мактабгача таълим ташкилотлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини муовификлаштиради.

12. Худудий марказлар:

ходимларни узлуксиз касбий ривожлантиришга ихтисослашган ўқув муассасаси ҳисобланниб, ушбу йўналишдаги ўқув, илмий ҳамда ташкилий-методик ишларни амалга оширади;

тегишли худуддаги ходимлар учун узлуксиз касбий ривожлантириш курсларини ташкил қиласди;

педагогика, психология, ўқув фанлари ва уларни ўқитиш методикасининг мамлакатимиздаги ва жаҳондаги энг янги ютуқлари, шунингдек, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг тингловчилар томонидан чуқур ўзлаштирилишини таъминлайди;

қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илфор шакл ва усулларини жорий қиласди;

ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича педагогика олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари билан ҳамкорлик қиласди;

худуддаги эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда, алохида курсларни ташкил этиш учун ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Институтга тақдим этади;

tinglovchilarning якуний аттестациясини ўтказадиган комиссия таркибини шакллантиради ва тасдиқлади;

tinglovchilarning якуний аттестациясини ташкил этади ва ўтказади;

tinglovchilarning электрон портфолиога киритилган мустақил малака ошириш натижаларини баҳолайди;

узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларининг таълим дастурларини якунлаган ва якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчиларга сертификатларни расмийлаштиради.

13. Педагогика йўналишидаги олий таълим муассасалари:

тегишли худудлардаги педагог ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш курсларини буюртма асосида ташкил қиласди;

педагогика, психология, ўқув фанлари ва уларни ўқитиш методикасининг мамлакатимиздаги ва жаҳондаги энг янги ютуқлари, шунингдек, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг педагоглар томонидан чуқур ўзлаштирилишини таъминлайди;

tinglovchilarning ўз касбий малакаларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида малака оширишнинг илфор шакл ва усулларини жорий қиласди;

tinglovchilarning малака ошириш курсларида ўқиганлиги ҳақидаги маълумотлар электрон платформага киритилишини таъминлайди;

ташкил қилинган груухлар ҳақида ҳар ойлик ҳисоботларни шакллантиради ва Институтга тақдим қиласди.

14. Малака ошириш фаолияти билан шуфулланадиган нодавлат таълим ташкилотлари:

тегишли худудлардаги педагог ходимларни узлуксиз касбий ривожлантириш курсларини буюртма асосида ташкил қилади;

педагогика, психология, ўқув фанлари ва уларни ўқитиш методикасининг мамлакатимиздаги ва жаҳондаги энг янги ютуқлари, шунингдек, замонавий ахборот ва педагогик технологияларнинг педагоглар томонидан чукур ўзлаштирилишини таъминлайди;

tinglovchilarning ўз касбий малакаларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида малака оширишнинг илғор шакл ва усусларини жорий этади;

tinglovchilarning малака ошириш курсларида ўқиганлиги ҳақидаги маълумотларни электрон платформага киритилишини таъминлайди;

ташкил қилинган гурӯхлар ҳақида ҳар ойлик хисоботларни шакллантиради ва Институтга тақдим қилади.

15. Мактабгача таълим ташкилоти, Президент, ижод, ихтисослаштирилган, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари:

ходимларни тасдиқланган режа бўйича малака ошириш курсларига юборади;

ходимларнинг малака ошириши ҳақидаги маълумотларни электрон платформага киритади;

таълим муассасасида узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича турли тадбирларни амалга оширади;

педагог ходимларнинг узлуксиз касбий ривожланиш натижаларини тахлил қилади.

4-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларининг тингловчилари

16. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларининг тингловчилари касбий ривожлантириш таълим ташкилотидаги ўқув-лаборатория, ахборот-ресурс марказлари, соғломлаштириш ва майший хизмат қўрсатиш шохобчаларидан фойдаланиш хуқуқига эга.

17. Узлуксиз касбий ривожлантириш курси тингловчиси қўйидаги сабабларга кўра тингловчилар сафидан четлаштирилади:

ўқув интизомини ва касбий ривожлантириш таълим ташкилотининг ички тартиб-коидаларини бузганлиги учун;

қайта тайёрлаш курсидаги дарс машғулотларини узрли сабабларсиз 36 соат, малака ошириш курсларида — 18 соат дарс қолдиргани учун;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

tinglovchiga нисбатан суднинг хукми асосида;

шартнома асосида ўқитиш учун белгиланган миқдордаги тўловни ўз вактида амалга оширганлиги учун;

вафот этганлиги сабабли.

18. Тингловчини курсдан четлятиш тўғрисида карор чиқарилган кундан

бошлаб уч кун ичидаги унга четлатиш сабаблари кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади, шунингдек, бу ҳақида уни малака оширишга юборган буюртмачига тегишли касбий ривожлантириш таълим ташкилоти томонидан маълум қилинади.

Малака ошириш курсидан четлатилган тингловчи буюртмачи томонидан унга иш ҳақида сақланмаган ҳолда, таътил берилиши тартибида уч ой ичидаги қайта малака ошириши шарт.

19. Малака ошириш курсларига қайта юборилган ходим якуний аттестациядан такроран ўтмаган ёки белгиланган муддатда малака ошириш курсларидан ўтмаган тақдирда, у билан тузилган меҳнат шартномаси амал қилиш муддатидан қатъи назар, иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинади.

Бунда ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли эгаллаб турган лавозимида ёки бажараётган ишига мувофиқ эмаслиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асоси сифатида кўрсатилади.

Ушбу ходим ўз педагогик фаолиятини давлат мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида давом эттириши учун касбий ривожлантириш таълим ташкилоти билан бевосита тузилган шартнома асосида малакасини оширган бўлиши талаб қилинади.

5-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш шакллари

20. Узлуксиз касбий ривожлантиришда таълим олишнинг қўйидаги шаклларидан фойдаланилади:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш;
- масофавий таълим;
- дуал таълим;
- мустақил таълим;
- муқобил шаклларда таълим олиш.

21. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларидаги ўқув жараёни касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланадиган машғулотлар жадвали асосида амалга оширилади. Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқа давом этадиган дарс жуфтлиги белгиланади.

22. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларидаги ўқув машғулотлари маъруза, амалий машғулот, лаборатория иши, семинар, тажриба алмашиш дарси, тренинг, интерфаол машғулотлар ва бошқа шаклларда ўтказади.

23. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш — ходимларнинг ўз иш жойларидан тўла ажралган тарзда касбий ривожлантириш таълим ташкилотларида ўқишини назарда тутади.

Таълим олишнинг мазкур шакли кўчма курс тарзида ҳам ташкил этилиши мумкин. Кўчма курс касбий ривожлантириш таълим ташкилоти томонидан тингловчиларнинг яшаш ҳудудида ташкил этиладиган ўқув машғулотлари хисобланади.

24. Ходимлар ўз меҳнат фаолиятидан бўш вақтида (ўқувчиларнинг таъ-

тили, ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш кунлари, касбий ривожланиш соатлари ёки бошқа ҳолларда) касбий ривожлантириш таълим ташкилотида, шунингдек, бевосита иш жойида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олади.

Шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда масофавий шаклда ҳам таълим олиши мумкин.

25. Масофавий таълим ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ таълим олувчилик томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишни назарда тутади.

Масофадан ўқитиш шакли бўйича малака оширишда ўқув машғулотлари профессор-ўқитувчининг тингловчилар билан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали интерактив дастурий тизимлардан фойдаланган ҳолда (реал вақт режимида) жонли мулоқот тарзида амалга оширилади.

Машғулотларнинг бир қисми тингловчилар билан контакт-сессиялар (аудиториядаги юзма-юз мулоқот) тарзида амалга оширилиши мумкин.

Масофадан ўқитиш шакли бўйича ўқитиш жараёнида тингловчилар фаолиятини назорат қилиш, таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва бошқариш касбий ривожлантириш таълим ташкилоти томонидан амалга оширилади.

26. Дуал таълим ўқув курсининг назарий қисми тингловчи томонидан касбий ривожлантириш таълим ташкилотида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади.

Касбий ривожлантириш таълим ташкилоти малака ошириш курсини дуал таълим шаклида Вазирлик билан келишган ҳолда ташкил этади. Бунда дуал таълим шаклидаги малака ошириш курсининг ўқув режаси ва дастури Вазирлик томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

27. Мустақил таълим орқали касбий маҳоратни ошириш — педагог ва мутахассис ходимлар томонидан ўз лавозими ва мутахассислиги бўйича мустақил равишда янги билимларни ўзлаштириш, малака, кўникма ва компетенцияларни шакллантиришни назарда тутади.

Уч ёшга тўлмаган ёш боласи бўлган аёллар, пенсия ёшидагилар ҳамда ногиронлиги бўлган педагог ва мутахассис ходимлар мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари педагогик кенгашларининг қарори ҳамда педагог ва мутахассис ходимларнинг аризаси асосида тингловчининг мустақил малака ошириши бўйича тегишли буйруқни расмийлаштиради;

мустақил малака ошириши белгиланган тингловчиларнинг якуний аттестацияси Касбий ривожлантириш таълим ташкилотида тузилган комиссия томонидан бевосита ташкил этилади. Уларнинг оралиқ назоратлари электрон платформа орқали ташкил этилади;

мустақил таълим шаклидаги малака ошириш курси дастурини тўлиқ ўз-

лаштирган ва якуний аттестацияда ижобий баҳоланган тингловчиларга белгиланган тартибда сертификат берилади.

28. Малака оширишнинг муқобил (таълим дастурларисиз малака орттириш) шакллари қўйидагилардан иборат:

дарсликка муаллифлик қилиш;

докторлик илмий даражасини олиш учун диссертацияни ҳимоя қилиш;

халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда (семинар, конференция, симпозиум ва бошқаларда) маъруза билан иштирок этиш;

илмий-тадқиқот натижалари асосида халқаро индексацияланган базаларда (Scopus, Web of Science) эътироф этилган журнallарда мақола нашр этиш;

рўйхати Вазирлик томонидан тасдиқланадиган бошқа фаолиятлар.

Вазирлик томонидан ҳар йили келгуси календарь йил учун муқобил малака ошириш сифатида тан олинадиган фаолият турлари ва уларнинг амал қилиш муддатлари рўйхати тасдиқланади.

6-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш турлари

29. Узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнлари қўйидагилар орқали амалга оширилади:

менежерлик ўқув курслари;

малака ошириш курслари;

малака ошириш курслари оралиғида ташкил қилинадиган узлуксиз касбий ривожлантириш тадбирлари;

қайта тайёрлаш курслари.

Менежерлик ўқув курсларининг мақсади — мактабгача ёки умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимига номзодларни таълим бошқаруви соҳасидаги билим ва кўникмаларини замонавий менежмент талабларига мос равиша такомиллаштиришдан иборат.

Малака ошириш курсларининг мақсади — ходимларнинг малака дарajasiga ортиб бораётган талаблар ва касбий фаолиятни амалга оширишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш зарурати билан боғлиқ ҳолда назарий ва амалий билимларини янгилашдан иборат.

Педагог ходимлар учун ҳар йили ташкил қилинадиган узлуксиз касбий ривожлантириш тадбирлари — педагог ходимларнинг малака ошириш курслари оралиғидаги касбий ривожланиш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш, улардаги касб маҳорати ва малака савиясининг доимий ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш асосида мактабгача ва умумий ўрта таълим мусассасаларида таълим сифатини оширишга йўналтирилади.

Ходимларни қайта тайёрлашнинг мақсади — меҳнат бозори, шахс, давлат ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мактабгача ва мактаб таълими тизимида фаолият юритаётган олий маълумотли, лекин тегишли педагогик ёки касбий маълумотга эга бўлмаган ходимларнинг қўшимча ихтиносслик бўйича касбий билим ва кўникмаларини мавжуд давлат таълим стандартлари ёки давлат таълим талаблари асосида шакллантиришдан иборат.

1-§. Менежерлик ўқув курслари

30. Мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари директорлари беш йилда бир маротаба ишдан ажралган ҳолда, Мактабгача таълим институти ва Институт томонидан ташкил қилинган менежерлик ўқув курсларида ўқитилади.

31. Менежерлик ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида ташкил этилади.

2-§. Малака ошириш курслари

32. Малака ошириш курслари мазкур Низомга 1-иловадаги* схемага мувофиқ ташкил қилинади.

Малака ошириш мактабгача ва мактаб таълими ҳудудий бошқарув органдари ёки бевосита Вазирликнинг буюртмаларига биноан касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Малака ошириш Институт ва Мактабгача таълим институти томонидан ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда Вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари бўйича амалга оширилади.

33. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар (кейинги ўринларда — Ихтисослаштирилган мактаблар) раҳбар ва педагог ходимларининг малакасини ошириш Агентлик томонидан мувофиқлаштирилади.

34. Ихтисослаштирилган мактабларнинг ходимлари учун малака ошириш курслари Агентлик томонидан малакали олимлар ҳамда педагог ходимларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув дастурлари бўйича ўтказилади.

35. Ўқув дастурининг мазмунидан келиб чиқиб, Ихтисослаштирилган мактаблар ходимларининг малакасини ошириш касбий ривожлантириш таълим ташкилотларида, Агентлик тизимидағи таянч ихтисослаштирилган мактабларида, етакчи олий таълим муассасаларида, шу жумладан, хорижий илғор таълим ташкилотларида ташкил этилиши мумкин.

36. Ихтисослаштирилган мактаблар ходимлари учун ташкил этилган малака ошириш курсларидағи дарс машғулотларини амалга оширишга хорижий мамлакатларда фаолият юритаётган мутахассислар ҳам белгиланган тартибда жалб қилиниши мумкин.

37. Малака ошириш курсларидағи ўқув жараёни гурухларнинг тўлдирилишига боғлиқ ҳолда, тингловчилар сони 25 нафардан кам бўлмаган ва 30 нафардан кўп бўлмаган академик гурухларда ташкил этилади.

Тингловчилар контингентини бир гурух меъерида шакллантириб бўлмайдиган алоҳида йўналишлар бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда, истисно тариқасида, Вазирликнинг рухсати билан бир гурухдаги тингловчилар сони камидা 15 нафар этиб белгиланиши мумкин.

38. Ходим унинг меҳнат таътили ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги даврида малака оширишга жалб қилинмайди.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

39. Ходимларнинг ҳар 5 йилда белгиланган давомийликдаги малака ошириш дастурларини ўзлаштириши мажбурий хисобланади.

40. Педагог ва мутахассис ходимлар учун малака ошириш курсининг давомийлиги камидаги 100 соат, раҳбар ходимлар учун камидаги 144 соат этиб белгиланади.

41. Ҳар йили 15 октябргача мактабгача, умумий ўрта таълим, Ихтисослаштирилган мактаб ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларининг раҳбари томонидан навбатдаги календарь йилда малака оширадиган педагог ва мутахассис ходимлар хақидаги маълумотларни электрон платформага киритиш орқали малака оширишга буюртма шакллантирилади. Бунда педагог ёки мутахассис ходимнинг аввалги малака оширган муддати, шунингдек, ташкилот ходимларининг ҳар йили ўртacha 20 фойзи малака ошириши лозимлиги назарда тутилади.

42. Электрон платформада шаклланган буюртмада ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, диплом бўйича мутахассислиги, иш жойи, лавозими, дарс берадиган фани, ўқийдиган малака ошириш курси ва касбий ривожлантириш таълим ташкилоти кўрсатилади.

Бунда касбий ривожлантириш таълим ташкилоти педагог ёки мутахассис ходим томонидан танланади.

43. Ҳар йили 30 октябргача туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими томонидан тизимдаги барча таълим муассасалари ходимларининг навбатдаги календарь йил учун малака оширишга бўлган буюртмалари касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари кесимида умумлаштирилади ва рақамли режа шаклида тегишли Ҳудудий бошқармага тақдим этилади.

Бунда туман (шахар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими раҳбарияти тизимдаги барча мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ҳамда туман (шахар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимида асосий штатда фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимнинг малака ошириш бўйича тегишли буюртмага киритилишини таъминлайди ва назорат қиласи.

44. Ҳудудий бошқармалар томонидан туман (шахар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларининг навбатдаги календарь йил учун малака оширишга бўлган эҳтиёжлари буюртма кўринишида касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари бўйича умумлаштирилади ва рақамли режа шаклида жорий йилнинг 5 ноябрига қадар Институтга тақдим этилади.

Ҳудудий бошқармалар раҳбарияти ўз ҳудудларидаги барча мактабгача ва мактаб таълими муассасалари, туман (шахар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ҳамда ҳудудий мактабгача ва мактаб таълими бошқарув органида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимнинг мазкур буюртмага киритилишини таъминлайди ҳамда назорат қиласи.

45. Ҳар йили 30 октябргача Агентлик томонидан тасарруфдаги Ихтисослаштирилган мактабларнинг навбатдаги календарь йил учун малака оширишга бўлган эҳтиёжлари буюртма кўринишида касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари бўйича умумлаштирилади ва рақамли режа шаклида жорий йилнинг 5 ноябрига қадар Институтга тақдим этилади.

46. Институт томонидан мазкур буюртмалар асосида мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг Агентлик, ҳудудлар ва касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари бўйича тақсимоти шакллантирилади ҳамда 15 ноябрга қадар Вазирликка тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Мазкур тақсимот Вазирлик томонидан 5 декабрга қадар тасдиқланади ва Институт томонидан электрон платформага жойлаштирилади.

47. Касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари тақсимот асосида малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича ўзларининг режаларини ишлаб чиқади ва буюртмачиларга етказилишини таъминлайди.

48. Буюртмачилар (Агентлик, ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари ва таълим муассасалари) Реестрдаги тақсимот ва касбий ривожлантириш таълим ташкилотларининг малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича режаларига биноан тизимларидаги таълим муассасалари раҳбар, педагог ва мутахассис ходимларининг тегишлилиги бўйича касбий ривожлантириш таълим ташкилотларига ўқишга белгиланган муддатда етиб боришларини таъминлайди.

49. Малака ошириш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида назарда тутилган барча оралиқ назоратлар ва якуний аттестацияда ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган хисобланади.

Оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбари рухсати билан (бир кундан сўнг) қайта топширишга имконият берилади. Оралиқ назорат топшириқларини бажармаган тингловчилар якуний аттестацияга қўйилмайди.

Малака ошириш курсининг якуний аттестациясини ўтказиш учун касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбари тегишли бўйруқ билан якуний аттестация комиссиясини ташкил этади.

Малака ошириш курсининг якуний аттестацияси якуний назорат синови ва илфор педагогик услуг ва технологияларни қўллаш бўйича топшириқларни бажаришдан иборат малака ишини баҳолаш шаклида ўтказилади.

Малака ошириш курсининг якуний аттестациясида тингловчи ижобий натижага эришмаганда икки ой ичида бир марта касбий ривожлантириш таълим ташкилотида тузилган якуний аттестацияни ўтказадиган комиссияга қайта топширишга имкон берилади.

Амалий фанлар (музиқа маданияти, тасвирий санъат ва чизмачилик, технология фанлари) ўқитувчиларининг якуний аттестацияси якуний назорат синови ва тегишли фан бўйича амалий топшириқлар шаклида ўтказилиши мумкин.

50. Малака ошириш курсларини ташкил қилиш, талаб даражасида ўтказиш, таълим самарадорлигини таъминлаш ҳамда тингловчиларнинг яшаши учун шарт-шароитлар яратиш (касбий ривожлантириш таълим ташкилотида тингловчилар турар жойи мавжуд бўлса) масъулияти тегишли касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбари зиммасига юкланди.

51. Малака ошириш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида назарда тутилган барча назорат (оралиқ, якуний) турларида ижобий натижа кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган хисобланади.

Оралиқ назоратларда етарли балл түплай олмаган тингловчига касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбари рухсати билан (бир кундан сўнг) қайта топширишга имконият берилади. Оралиқ назорат топшириқларини бажармаган тингловчилар якуний назоратга қўйилмайди.

Малака ошириш курсининг якуний назоратида тингловчи ижобий натижага эришмаганда, икки ой ичида бир марта касбий ривожлантириш таълим ташкилотида тузилган якуний назоратни ўtkазадиган комиссияга қайта топшириш имконияти берилади.

52. Малака ошириш курси дастурини тўлиқ ўзлаштирган тингловчиларга курсни ташкил қилган таълим муассасаси томонидан давлат намунасидағи электрон генерация қилинган ва электрон рақамли имзо (QR-код) билан тасдиқланган ҳужжат (сертификат) берилади.

53. Ҳар бир ходим ҳақидаги малака ошириш курси бошланган ва тугалланган вақт ҳамда курсни тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжат (сертификат) бўйича маълумотлар касбий ривожлантириш таълим ташкилоти томонидан электрон платформага киритилади.

Мазкур маълумотлар ўз вақтида, аниқ ва тўлиқ киритилиши учун касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбари шахсан масъул ҳисобланади.

54. Бошқа вазирликлар ва идоралар тасарруфидаги таълим муассасалари педагог ходимларининг Вазирлик тасарруфидаги касбий ривожлантириш таълим ташкилотларида малака ошириши Вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бунда тизимида мактабгача ва мактаб таълими ташкилотлари бўлган вазирликлар ва идоралар ҳар йили 15 ноябргача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагог ходимларнинг эгаллаб турган лавозимига қараб курслардан ўтиши бўйича белгиланган даврийликни инобатга олган ҳолда, кейинги календарь йилда Вазирлик тизимидағи касбий ривожлантириш курсларида ўқишга юбориладиган тингловчилар контингентини шакллантиради ва Вазирликка тақдим этади.

3-§. Малака ошириш курслари оралиғида ташкил қилинадиган узлуксиз касбий ривожлантириш тадбирлари

55. Ҳар йили ташкил қилинадиган узлуксиз касбий ривожлантириш тадбирлари — педагог ходимларнинг малака ошириш курслари оралиғидаги касбий ривожланиш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш, улардаги касб маҳорати ва малака даражасининг доимий ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш асосида мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга йўналтирилган.

Малака ошириш курслари оралиғида ташкил қилинадиган узлуксиз касбий ривожлантириш тадбирлари мазкур Низомга 2-иловадаги* схемага мувофиқ ташкил қилинади.

56. Мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожлантириш тадбирлари ҳар йили малака ошириш курслари ора-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиғида ташкил қилинадиган «Методик маҳорат соати», «Методик маҳорат куни» «Виртуал касбий ривожлантириш» электрон дастури орқали касбий ривожлантириш курсларидан иборат.

«Методик маҳорат куни» доирасида таянч мактабгача таълим ташкилотлари тренерлари томонидан бошқа мактабгача таълим ташкилотлари директор ўринbosарлари учун ўқув машғулотлари ва семинарлар ўтказилади.

«Методик маҳорат соати» доирасида директор ўринbosарлари томонидан мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари фаолияти таҳлил қилинади, уларга методик ёрдам кўрсатилади ва касбий ривожланиши бўйича тавсиялар берилади.

Мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларининг касбий ривожлантириш курсларида иштирок этиши ва ўқувлар дастурини ўзлаштиришли мажбурий хисобланади.

57. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларининг узлуксиз касбий ривожлантириш тадбирлари малака ошириш курслари оралиғида ҳар йили ташкил қилинадиган «Касбий ривожланиш куни» ва «Касбий ривожланиш соати» тадбирларидан иборат.

Касбий ривожланиш куни тадбирларининг мақсади — ҳафтанинг белгиланган муайян кунида ўқув-семинар, тренинг, маҳорат дарслари ва мустақил таълим тадбирлари ўтказиш орқали ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш, ижодий ишлаш ва ўз билимини мунтазам бойитиб бориш, замонавий ўқитиши методикаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Касбий ривожланиш соати тадбирларининг мақсади — дарсни кузатиш, рефлексив амалиёт ҳамда мактаб негизида малака ошириш тадбирлари ўтказиши орқали касбий ривожланиш кунларида ташкил этилган ўқувларда ўқитувчилар томонидан ўзлаштирилган янги билим ва кўникмаларни ўзлари фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактабларида қўллашларини таҳлил қилиш, уларга зарур методик ёрдам кўрсатиш, касбий ривожланиш учун тавсиялар беришдан иборат.

58. «Касбий ривожланиш куни» ва «Касбий ривожланиш соати» тадбирлари ўқув йили давомида ҳафтанинг белгиланган кунларида, шунингдек, ўқитувчиларнинг таътил кунларида ўтказилади.

Ўқитувчининг ҳар йили белгиланган давомийликдаги «Касбий ривожланиш куни» ва «Касбий ривожланиш соати» тадбирларида иштирок этиши ва тегишли ўқув дастурларини ўзлаштириши мажбурий хисобланади.

59. «Касбий ривожланиш куни» ва «Касбий ривожланиш соати» тадбирларини ташкил этиш тартиби Вазирлик томонидан белгиланади.

4-§. Қайта тайёрлаш курслари

60. Ходимларни қайта тайёрлаш янги лавозимга тайинлаш ёки мутахасисликнинг малака таснифига мувофиқ кейинчалик профессионал фаолиятнинг янги турини бажариш мақсадида янги касбий билим, кўникма ва малақаларни ўзлаштиришга ўйналтирилади.

Қайта тайёрлаш курслари мазкур Низомга З-иловадаги^{*} схемага мувофиқ ташкил қилинади.

61. Қайта тайёрлашнинг асосий турлари:
педагогик қайта тайёрлаш;
касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув).

62. Педагогик қайта тайёрлаш — олий таълим муассасаларининг нопедагогик йўналишларини битирган мутахассисларнинг базавий касбий маълумотини таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат таълим талаблари) билан белгиланадиган ўқув-тарбия жараёнининг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли бўлган педагогик тайёргарлик талабларига мувофиқлаштириш мақсадида мутахассисларни ўқитиш ҳисобланади.

63. Касбий қайта тайёрлаш (ихтисослашув) — олий педагогик маълумотли мутахассислар томонидан таълимнинг тегишли тури Давлат таълим стандарти (Давлат таълим талаблари) билан белгиланадиган ўқитишнинг талаб этиладиган сифатини таъминлайдиган даражада ўқув фани ёки курс бўйича педагогик фаолиятни юритиш учун зарур ва етарли ҳажмда янги касбий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳисобланади.

64. Педагогик маълумотга эга бўлмаган бошқа соҳа мутахассисларига педагогик фаолият юритиши учун соҳасига мос фандан касбий ҳамда педагогик қайта тайёрлашдан ўтиши талаб қилинади.

65. Педагог ҳамда мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш, ўқув режаларига янги ўқув фанлари ёки курслар жорий этилиши, буюртмачилар ёки меҳнат бозорининг талаблари билан белгиланадиган айрим педагог ҳамда мутахассисларнинг қайта ихтисослашуви ёки янги мутахассисликка эга бўлиши муносабати билан юзага келган эҳтиёжларга кўра ташкил этилади.

Вақтинча ишламайдиган педагоглар ҳам ўз хоҳишига кўра қайта тайёрлаш курсларида ўқиши мумкин.

66. Педагог ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш уларнинг эҳтиёжлари ва мурожаатларига биноан тўлов шартномалари асосида ташкил этилади. Тўловлар қайта тайёрлаш курси тингловчиси ёки ҳомийлар (юридик ёки жисмоний шахслар) томонидан шартномада кўзда тутилган муддатлар ва миқдорларда амалга оширилади.

Қайта тайёрлаш курслари Вазирлик тизимидағи касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари томонидан ўтказилади.

67. Қайта тайёрлаш курслари давлат таълим талаблари, шунингдек таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган дастурлар асосида ўтказилади.

Қайта тайёрлаш натижасида бериладиган хужжат (диплом) фақат муайян лавозимда фаолият кўрсатиш ёки муайян фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш ҳуқуқини беради.

68. Педагог ва мутахассис ходимлар белгиланган тартибда Вазирлик томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва дастурлари бўйича қайта тайёр-

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ланади. Ўқув юкламасини режалаштиришда тингловчиларнинг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилади.

69. Қайта тайёрлаш дастурларини ўзлаштириш муддати ўқув режасига киритилган фанлар сони ҳамда уларнинг юкламалари ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади ва камида 576 соатни ташкил қиласди. Аудитория машғулотлари ҳафталиқ юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат этиб белгиланади.

70. Қайта тайёрлаш курслари ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олиш, масофавий таълим ёки дуал таълим шакллари орқали ўтказилиши мумкин.

Бунда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш, масофавий таълим ёки дуал таълим шаклларида ташкил этилган курсларнинг камидаги бир ойи ёки камидаги 144 соати бевосита касбий ривожлантириш таълим ташкилотида ўтказилиши шарт.

71. Қайта тайёрлаш курслари ўтказиладиган касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари қайта тайёрлаш курсларини ташкил этишда қўйидагиларни амалга оширади:

қайта тайёрлаш курслари учун таянч ўқув режаси ва дастурлари асосида ўқув-методик материалларни (ишли ўқув режаси, ишли дастурлар, ўқув-методик мажмуаларни) тайёрлайди;

қайта тайёрлаш курслари тўғрисидаги маълумотларни маҳсус электрон тизимга (кейинги ўринларда — Портал) жойлаштиради.

72. Педагогларни қайта тайёрлашни ташкил этиш жараёнлари (талабгорларни рўйхатга олиш, хужжатларни қабул қилиш, курсга қабул қилиш, ўқув жараёнлари, билимлар назорати) Портал орқали амалга оширилади. Бунда:

талабгорлар портал орқали электрон шаклда рўйхатдан ўтади ҳамда ўқув курсида ўқиш учун ариза топширади;

касбий ривожлантириш ташкилоти томонидан қайта тайёрлаш курсларини ўқиш истагини билдирган талабгорларга доир хужжатлар (ариза, қачон ва қайси олий таълим муассасасини битирганлиги, диплом бўйича мутахассислиги, қайта тайёрлаш йўналишига мослиги) тўлиқ ўрганиб чиқилади;

ўрганиш натижалари асосида қайта тайёрлаш курсларига қабул қилинган талабгорларнинг аризаси Портал орқали тасдиқланади.

73. Қайта тайёрлаш курслари етарли илмий-педагогик ва моддий-техник базага эга касбий ривожлантириш таълим ташкилоти томонидан ташкил этилади.

Касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбари қайта тайёрлаш курслари белгиланган талаблар ва тартибга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади.

74. Қайта тайёрлаш жараёнида гуруҳдаги курс тингловчиларининг сони 25 нафардан 30 нафаргача бўлиши лозим. Эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликларга, истинос тариқасида, вазирлик билан келишган ҳолда тингловчилар сони 15 нафардан кам бўлмаганда ташкил этилиши мумкин.

75. Қайта тайёрлаш курсларидағи ўқув жараёни таянч ўқув режаларига мос равишда тузилган ва ҳар бири бир нечта ўқув фани модулларини ўз

таркибиға олган блоклардан иборат ишчи ўқув режалари асосида ташкил этилади.

76. Қайта тайёрлаш курсларидан ўтuvчи ходимлар касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан тингловчилар сафига қабул қилинади.

77. Қайта тайёрлаш курси тингловчиси курснинг ўқув режасида кўзда тутилган барча оралиқ назоратлар ва якуний аттестацияда ижобий натижага кўрсатса, курснинг ўқув дастури тўлиқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

Қайта тайёрлаш курсининг оралиқ назорат топширикларини муваффақиятли бажарган тингловчи якуний аттестацияга қўйилади.

Қайта тайёрлаш курсларининг назорат турларида баҳолаш мезонлари Вазирлик томонидан тасдиқланади.

78. Қайта тайёрлаш курсининг оралиқ назоратларда етарли балл тўплай олмаган тингловчига 1 ой муддат давомида қайта топширишга имконият берилади.

Белгиланган муддатларда оралиқ назоратни қайта топшира олмаган тингловчи тингловчилар сафидан чиқарилади.

79. Қайта тайёрлаш курсининг якуний аттестациясини ўтказиш учун касбий ривожлантириш таълим ташкилоти раҳбари тегишли буйруқ билан якуний аттестация комиссиясини ташкил этади.

Қайта тайёрлаш курсининг якуний аттестацияси якуний назорат синовлари ва битирув ишини ҳимоя қилиш орқали ўтказилади.

80. Қайта тайёрлаш курсининг якуний назорат синовлари Вазирлик томонидан белгиланган ташкилот томонидан ўтказилади. Бунда мазкур ташкилотга касбий ривожлантириш таълим ташкилоти томонидан якуний синовларда иштирок этган ҳар бир номзод учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида маблағлар ўтказилади.

Қайта тайёрлаш курсининг якуний назорат синовларидан муваффақиятли ўтган тингловчиларга битирув ишини ҳимоя қилишга рухсат берилади.

81. Битирув иши ҳимояси курсни ташкил қилган касбий ривожлантириш таълим ташкилоти томонидан ўтказилади.

82. Якуний аттестациядан муваффақиятли ўтган тингловчиларга давлат намунасидаги ҳужжат (диплом) берилади.

83. Якуний аттестация синовларида етарли балл тўплай олмаган ёки узрли сабабларга кўра (мехнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик, туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътили, хизмат сафарида бўлиш ва бошқалар) қатнаша олмаган тингловчиларга бир йил давомида қайта топшириш имконияти берилади. Бунда якуний аттестация синовларида етарли балл тўплай олмаган тингловчиларнинг такрорий аттестацияси тўлов-шартнома асосида ўтказилади.

84. Якуний аттестация синовларини қайта топшириш натижалари салбий бўлган тақдирда, тингловчига курсни тугатганлик тўғрисида маълумотнома берилади ва бир йил давомида тўлов-шартнома асосида қайта топширишга рухсат берилади.

**7-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш курсларини
тамомлаганлик тўғрисида давлат намунасидаги
хужжатлар**

85. Узлуксиз касбий ривожлантириш бўйича таълим дастурлари талабларини муваффақиятли бажарган тингловчиларга тегишли равишда давлат намунасидаги қўйидаги хужжатлар:

малака ошириш тўғрисидаги сертификат — камидা 100 соат ҳажмдаги таълим дастурларидан ўтган педагог ва мутахассис ходимлар ҳамда камидা 144 соат ҳажмда таълим дастурларидан муваффақиятли ўтган раҳбар ходимлар учун;

менежерлик сертификати — мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларининг камидা 144 соат ҳажмдаги менежерлик ўқув курслари таълим дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган директорлар учун;

қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом — педагог ва мутахассис ходимлар учун камидা 16 ҳафта (576 соат) ҳажмидаги таълим дастурларидан муваффақиятли ўтгандан сўнг якуний аттестация натижасига кўра берилади.

Малака ошириш курслари оралиғида ташкил қилинадиган узлуксиз касбий ривожлантириш тадбирларида тўлиқ иштирок этган ва тегишли топшириқларни бажарган педагог ва мутахассис ходимларга электрон платформада электрон генерация қилинган ва электрон рақамли имзо (QR-kod) билан тасдиқланган сертификат берилади.

86. Малака ошириш курси дастурини ўзлаштирганлик тўғрисидаги сертификатларнинг реестри электрон платформада ва қайта тайёрлаш курси дастурини ўзлаштирганлик тўғрисидаги дипломларнинг реестри Портал орқали юритилади.

87. Диплом ва сертификатларни расмийлаштириш тартиби Вазирлик томонидан тасдиқланади.

**8-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш жараёнларида
электрон платформадан фойдаланиш**

88. Узлуксиз касбий ривожлантиришини таъминлаш учун электрон платформадан фойдаланилиши мумкин.

89. Электрон платформа барча мактабгача ва мактаб таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожлантиришга доир маълумотлар ўзида жамлаб борилишини таъминлайди.

Электрон платформада мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг электрон портфолиоси шакллантирилади.

90. Таълимнинг долзарб масалаларига оид кўшимча (қисқа муддатли) малака ошириш курслари электрон платформа орқали ташкил этилиши мумкин.

91. Узлуксиз касбий ривожлантириш курслари ўқув режаси ва дастурлари таркибига кирувчи хар бир ўқув модулларини муваффақиятли ўзлаштирган ва назорат топшириқларини бажарган ходимга курсни муваффақиятли тутатганилиги ҳакида давлат намунасидаги электрон генерация қилинган ва

электрон рақамли имзо (QR-код) билан тасдиқланган хужжат (сертификат) шакллантирилади.

92. Хар бир ўкув модули ёки курсни муваффақиятли ўзлаштирганлик ҳақидаги маълумотлар ходимларнинг электрон портфолиосида акс эттирилади.

9-боб. Узлуксиз касбий ривожлантириш сифатини баҳолаш ва назорат қилиш

93. Ходимларнинг узлуксиз касбий ривожланиши сифати улар тайёргарлигининг зарур ва етарли даражаси, улардаги билим ва амалий маҳоратнинг мазкур ходимларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлиги билан белгиланади.

94. Мактабгача ва мактаб таълими ходимларини кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

Вазирлик томонидан тасдиқланган низом асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси томонидан амалга оширилдиган ички назорат (кириш тести орқали дастлабки назорат, ўқитилаётган фан модуллари бўйича оралиқ назорат ва якуний аттестация);

Вазирлик томонидан аттестация ва тезкор диагностика шаклида амалга оширилдиган ташқи назорат.

95. Касбий ривожлантириш таълим ташкилотларининг малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича фаолияти Вазирлик томонидан назорат қилинади.

96. Таълим сифатини назорат қилишда тегишли касбий ривожлантириш таълим ташкилотларида мактабгача ва мактаб таълими ходимларини касбий ривожлантириш сифатини назорат қилиш ҳамда мунтазам равишда малака ошириш дастурлари асосида таълим беришнинг самарадорлиги баҳоланади ва дастурларни такомиллаштириш бўйича чоралар кўрилади.

97. Реестрга киритилган касбий ривожлантириш таълим ташкилотлари томонидан ўтказилган малака ошириш курсларининг самарадорлигини аниqlаш мақсадида тингловчиларнинг якуний синовларини ўтказиш ва баҳолаш Вазирлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

Вазирлик мазкур синовларни ўтказиш бўйича касбий ривожлантириш таълим ташкилотини белгилаши мумкин.

Бунда:

якуний назорат натижасида малака ошириш курс тингловчиларининг камидаги 70 фоизи ижобий баҳолангандан тақдирда, курсдаги таълим сифати ижобий деб топилади. Якуний назорат натижасида максимал баллнинг камидаги 56 фоизини тўплаган тингловчи ижобий баҳолангандан деб хисобланади;

якуний назорат натижасида малака ошириш курс тингловчиларининг 31 фоиз ва ундан кўп ижобий баҳолангандан тақдирда, малака ошириш курси сифатсиз ташкил этилган хисобланади.

Малака ошириш курси сифатсиз ташкил этилган деб топилган касбий ривожлантириш таълим ташкилоти Реестрдан чиқарилади.

10-боб. Мактабгача ва мактаб таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган талаблар

98. Мактабгача ва мактаб таълими ходимларини қайта тайёрлаш (малака ошириш) курси битирувчисининг умумий билим ва касбий тайёргарлиги даржасига қўйиладиган малака талаблари тегишли йўналишлар бўйича курсларнинг ўқув режалари ва дастурларини шакллантириш, шунингдек, ўқув жараёнини ва таълим сифатини назорат қилиш тартибини ва бошқа хужжатларни ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

99. Мактабгача ва мактаб таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълимининг ўқув режаси ва дастурлари Президент мактаби ўқитувчилари, етакчи олимлар, мутахассислар, профессор-ўқитувчилар ҳамда методистлардан шакллантирилган гурухлар томонидан тингловчиларнинг эҳтиёжларини ўрганиш (педагогик диагностика) натижалари асосида тузилади ва таълим жараёнини методик таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Педагог ва мутахассис ходимлар малакасини ошириш таълимининг ўқув режаси ва дастурлари замонавий компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган тарзда ишлаб чиқилади ҳамда вариатив (ихтиёрий танлов) ва инвариант (мажбурий) модуллардан иборат бўлади.

100. Қўйидагилар қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган базавий талаблар ҳисобланади:

каслар ва лавозимларга бўлган касбий малака талабларига мувофиқлик;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини билишга, таълим турлари ва босқичлари бўйича давлат таълим талабларининг (давлат таълим стандартининг) узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашга, тингловчиларнинг касбий билимларини янгилаш ва чуқурлаштиришга, янги, қўшимча касбий малака ва кўникмаларни ҳосил қилишга, таълим-тарбиянинг самарали усуллари ҳамда технологияларини эгаллаш ва такомиллаштиришга қаратилганлик;

замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олишни назарда тутиш;

давлат таълим талаблари ҳажм ва мазмунининг қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш муддатларига мувофиқлик.

11-боб. Реестрни юритиш тартиби

101. Педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим ташкилотлари ва но davlat таълим ташкилотларининг мактабгача ва мактаб таълими ходимлари малакасини ошириш билан боғлиқ харажатларини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш учун Вазирлик томонидан Реестр шакллантирилади ва у бир йил муддатга амал қиласди.

102. Реестр Вазирлик томонидан тасдиқланади ва ҳар йили янгиланиб борилади.

103. Кўйидагилар тўғрисидаги маълумотлар Реестрга тўғридан-тўғри киритилади:

Институт;

Мактабгача таълим институти;

Худудий марказлар;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий мурожаати асосида педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим ташкилотлари.

104. Нодавлат таълим ташкилоти мактабгача ва мактаб таълими ходимлари малакасини оширганлиги учун Давлат бюджетидан маблағлар олиш учун Реестрда белгиланган шаклдаги сўровнома тўлдиради.

Сўровномада нодавлат таълим ташкилоти номи, ташкилий-хукуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), таълим фаолиятини амалга ошириш жой(лар)ининг манзили, банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисобварафи, Реестрга киритилаётган малака ошириш курслари йўналишлари, сўровномани тўлдирган ва уни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда лавозими кўрсатилади.

Сўровномани Вазирликка юборишдан олдин нодавлат таълим ташкилоти мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш талаблари ва шартларига риоя қилишга розилиги, томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ва бошқа холатларни назарда тутувчи оммавий оферта билан танишиб, уни тасдиқлайди.

105. Оммавий офертани тасдиқлаш Вазирлик ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида шартнома тузилишига тенглаштирилади ҳамда талаблар ва шартларга тўлиқ амал қилишга розилигини билдиради.

106. Сўровномага қўйидаги хужжатлар электрон тарзда илова қилинади:

малака ошириш курси ўқув режаси ва дастурларининг электрон нусхалари;

ёнғин ва санитария-эпидемиология назорати органлари томонидан мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига ва санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалар салбий бўлганда;

сўровномага нодавлат ташкилот тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ киритилмаганда ёки сохта маълумотлар тақдим этилганда.

108. Вазирлик Реестрга киритиш ёки Реестрга киритишни рад этиш бўйича қарорни нодавлат таълим ташкилотига Реестр орқали етказади.

12-боб. Узлуксиз касбий ривожлантиришни молиялаштириш

109. Узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида Институт, Мактабгача таълим институти, Худудий марказлар, педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг малакасини ошириш билан боғ-

лик харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Вазирликка ажратилган маблағлар хисобидан молиялаштирилади.

110. Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлик томонидан Реестр юритилади.

111. Педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган касбий ривожлантириш таълим ташкилотларининг мактабгача ва мактаб таълими ходимлари малакасини ошириш билан боғлик харажатлар ҳар бирида 25 нафар тингловчи бўлган гурухда малака ошириш курсининг якуни бўйича гурухдаги тингловчилар курсни муваффақиятли тутишиб, тегишли сертификатга эга бўлган ҳар бир тингловчи учун қоплаб берилади.

Бунда педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотлари билан Вазирлик ўртасида тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар асосида тўловлар амалга оширилади.

112. Институт ҳар йили 15 ноябрга қадар келгуси йилда худудий малақа ошириш марказлари, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида малака оширадиган мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг худудлар бўйича тақсимотини тасдиқлаш учун Вазирликка тақдим этади ва тасдиқланган тақсимот асосида келгуси йил учун педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида малака оширадиган тингловчилар учун тегишли маблағлар режалаштирилади.

113. Педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида малака оширадиган тингловчилар учун маблағлар алоҳида ғазна ҳисобварағида юритилади.

114. Бир нафар тингловчи учун тўланадиган маблағ миқдори Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан кейинги молия йили бошланишидан олдин ходимларнинг малака ошириши учун сарфланган ўртача харажатдан келиб чиқиб белгиланади.

115. Молия йили давомида қонунчилик хужжатларига мувофиқ иш ҳақи миқдорлари ва шартлари ўзгарган ҳолларда, бир нафар тингловчи учун сарфланадиган харажатлар миқдори Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

116. Институт педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида ҳақиқатда малака оширган ва белгиланган тартибда сертификатга эга бўлган тингловчилар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этган ҳолда, кейинги ойнинг З-санасига қадар тегишли маблағ тўланиши юзасидан Вазирликка мурожаат қилади.

117. Мурожаатга қўйидагилар илова қилинади:

мактабгача ва мактаб таълими ходимларининг малакасини ошириш курс-

ларини ташкил этган педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларининг номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-хуқуқий шаклини тасдиқловчи гувоҳнома, банк реквизитлари;

ҳақиқатда малака оширган ва сертификатга эга бўлган тингловчиларнинг тасдиқланган рўйхати;

педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотлари бўйича уларга тўланиши лозим бўлган тегишли ҳисоб-китоблар билан биргаликда маблағларга буюртма.

118. Маблағ ажратиш учун тақдим этилган маълумотларнинг ҳақонийлиги ва тўғрилигига тегишли касбий ривожлантириш ташкилоти ва Институт жавобгар ҳисобланади.

119. Тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг сохталиги аниқланганда, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларининг мактабгача ва мактаб таълими ходимлари малакасини ошириш бўйича хуқуқи бекор қилинади ҳамда ортиқча олинган маблағлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат бюджетига қайтарилади.

120. Педагог кадрлар тайёрланадиган олий таълим муассасалари ҳамда Реестрга киритилган нодавлат таълим ташкилотларида ҳақиқатда малака оширган тингловчилар сони ҳар ой якуни бўйича уларда малака ошириши режалаштирилган тингловчилар сонидан кам бўлган холларда, ушбу тингловчилар учун режалаштирилган маблағлар Вазирлик томонидан Институт ва худудий марказларга йўналтирилади.

121. Институтда, Мактабгача таълим институти ҳамда Худудий марказларда бир нафар профессор-ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган тингловчилар нисбатининг чекланган нормативи 1:12 нисбатда белгиланади.

Бунда келгуси молия йили учун профессор-ўқитувчилар сони (штат бирлиги) қўйидагича аниқланади:

$$\text{ПЎс} = \text{Tc} : 12 : 10 : (144 : \text{МОс})$$

ПЎс — Институтда ҳамда худудий марказларда тингловчилар учун ажратиладиган профессор-ўқитувчилар сони (штат бирлиги);

Tc — бир йилда малака оширадиган тингловчилар сони;

12 — бир нафар профессор-ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган тингловчиларнинг чекланган сони;

10 — молия йилидаги малака ошириладиган ойлар сони;

144 — бир нафар тингловчи учун бир йилда малака оширишнинг максимал соати;

МОс — бир нафар тингловчи учун бир йилда малака оширишга ажратилган соат.

Профессор-ўқитувчилар сони (штат бирлиги) тингловчиларнинг малака ошириши учун белгиланган соатига кўра алоҳида ҳисобланади.

122. Институт, Мактабгача таълим институти ҳамда Худудий марказларнинг бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш билан боғлиқ харажатлар Ва-

зирлика республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида молия-лаштирилади.

123. Касбий ривожлантириш таълим ташкилотларига ишдан ажралган ҳолда малака оширишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши ҳамда мустақил малака ошириши белгиланган тингловчиларнинг якуний аттестацияси ўтказиладиган даврда уларнинг асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, ўқув юкламалари эса бошқа педагог ходимлар ўртасида тақсимланади.

Ишдан ажралган ҳолда малака ошириш учун бошқа худудлардан юбо-рилган тингловчиларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ўқишига бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборган ташкилот ҳисобидан қопланади.

Малака ошириш курсидан четлатилган тингловчи қайта малака оширишга юборилганда, унга сафар харажатлари тўланмайди.

13-боб. Якунловчи қоидалар

124. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбордor бўлган шахслар қонун-чилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 24 декабрдаги 867-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарорининг 2-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳар йили қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари ўқув-методик жараёни сифати ва улар педагоглари касб малакаси даражасининг мазкур қарор билан тасдиқланган Давлат талабларига мувофиқлигининг тезкор диагностикасини амалга оширсинлар».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 823-сон қарори билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рафбатлантиришнинг директор жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом қўйидаги таҳрирдаги 261-банд билан тўлдирилсин:

«261. Касбий ривожланиш соати» ва «Касбий ривожланиш куни» тадбирларида ментор-ўқитувчи сифатида фаолият юритаётган фан ўқитувчиларига асосий иш жойи бўлган умумий ўрта таълим муассасаси директор жамғармаси ҳисобидан ушбу Низомнинг 20-бандига асосан олиши мумкин бўлган устамага қўшимча равишда лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида ҳар ойлик устама ҳақ белгиланади.

Бунда ментор-ўқитувчилар рўйхати туман (шахар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими мудирининг буйруғи билан ҳар ўкув йили бошида тасдиқланади».

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 24 декабрдаги 867-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб ҳисоблангаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тўғрисидаги низомни ҳамда Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти уставини тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 21 ноябрдаги 929-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 28 декабрдаги 1026-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПФ-5644-сон, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5650-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жихатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4136-сон қарори)» 2019 йил 13 майдаги 397-сон қарорига илованинг 71-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон қарори)» 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон қарорига илованинг 23-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» 2019 йил 10 декабрдаги ЎРҚ-591-сон Қонуни)» 2020 йил 16 апрелдаги 234-сон қарорига илованинг 9-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чо-

ра-тадбирлар тўғрисида» 2021 йил 6 апрелдаги 189-сон қарорига 2-илованинг 7-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида» 2019 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-595-сон Қонуни)» 2021 йил 20 майдаги 320-сон қарорига 1-илованинг 8 ва 10-бандлари.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта маҳсус таълим муасасалари рейтингини аниқлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 3 июндаги 345-сон қарорига 3-илованинг 27-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2021 йил 16 августдаги 524-сон қарорига 1-илованинг 11-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимларини узлуксиз қасбий ривожлантириш тизимини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 17 январдаги 25-сон қарори.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 470-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими вазири жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 2 августдаги 425-сон қарорига 2-илованинг 16-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I

460 Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari faoliyatini amalga oshirishga litsenziyalar berilganligi uchun davlat boji miqdorlarini belgilash to'g'risida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
17-dekabrdan ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3584*

O'zbekiston Respublikasi "Davlat boji to'g'risida"gi Qonunining 24-moddasi va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 3-iyuldag'i PQ-3832-son "O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni va kripto-aktivlar aylanmasi sohasini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari faoliyatini amalga oshirishga litsenziyalar berilganligi uchun davlat boji miqdorlari to'lash sanasida amalda bo'lgan bazaviy hisoblash miqdorining quyidagi baravarlarida belgilanadi:

kripto-birja uchun — 73 400;
mayning-pul uchun — 3 000;
kripto-depozitariy uchun — 7 000;
kripto-do'kon uchun — 3 700.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Direktor**D. LI**

Toshkent sh.,
2024-yil 5-dekabr,
100-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 18-dekabrdan e'lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
BUYRUG'I

**461 Inson a'zolari va (yoki) to'qimalari donorligiga qarshi
ko'rsatma bo'ladigan kasalliklar ro'yxatini tasdiqlash
to'g'risida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
17-dekabrda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3585*

O'zbekiston Respublikasining "Inson a'zolari va to'qimalarining transplantatsiyasi to'g'risida"gi Qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 13-iyundagi 333-sod "Inson a'zolari va (yoki) to'qimalarini transplantatsiya qilishni tartibga solish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. Inson a'zolari va (yoki) to'qimalari donorligiga qarshi ko'rsatma bo'ladigan kasalliklar ro'yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. XUDAYAROV

Toshkent sh.,
2024-yil 28-noyabr,
1-sod

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 18-dekabrda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
 sog'liqni saqlash vazirining 2024-yil
 28-noyabrdagi 1-son buyrug'iga
 ILOVA

**Inson a'zolari va (yoki) to'qimalari donorligiga qarshi
 ko'rsatma bo'ladigan kasalliklar
 RO'YXATI**

I. Tirik donordan olinadigan inson a'zolari va (yoki) to'qimalari donorligiga qarshi ko'rsatma bo'ladigan kasalliklar
1. Buyrak transplantatsiyasiga qarshi ko'rsatmalar
OIV/OITS
Narkomaniya
Toksikomaniya
Alkogolizm
Morbid semizlik
Arterial gipertensiya II-III darajasi
Surunkali buyrak kasalligi II-III-IV-V bosqichi
Qandli diabet
Ikki tomonlarma siydik tosh kasalligi
Xavfli o'sma kasalliklari
2. Jigar va jigar bo'lagi transplantatsiyasiga qarshi ko'rsatmalar
OIV/OITS
Narkomaniya
Toksikomaniya
Alkogolizm
Morbid semizlik
Arterial gipertensiya II-III darajasi
Qandli diabet
Xavfli o'sma kasalliklari
3. Gemapoetik suyak ko'migining o'zak hujayralarini transplantatsiya qilishga qarshi ko'rsatmalar
O'pka va (yoki) yurak yetishmovchiligi og'ir darajasi
O'tkir yuqumli kasalliklari
Autoimmun va biriktiruvchi to'qima diffuz kasalligi
Og'ir nevrologik kasalliklar
Narkomaniya va toksikomaniya
Alkogolizm
Ruhiy kasalliklari
Anamnezida tromboz va tromboemboliya bo'lgan, tasdiqlangan trombofiliya
Xavfli o'sma kasalliklari
Og'ir qon kasalliklari
Nur kasalligi

Endokrin tizimi kasalliklari, og'ir, dekompensatsiya bosqichlari
--

II. Inson murdasidan olinadigan inson a'zolari va (yoki) to'qimalari donorligiga qarshi ko'rsatma bo'ladigan kasalliklar

4. Buyrak transplantatsiyasiga qarshi ko'rsatmalar

OIV/OITS

Tuberkulyoz

Sepsis

Zambrug'li kasalliklar

TORCH-infeksiyasi (IgM pozitiv)

O'ta xavfli infektion kasalliklar

Xavfli o'sma kasalliklari

5. Jigar va jigar bo'lagi transplantatsiyasiga qarshi ko'rsatmalar

OIV/OITS

Tuberkulyoz

Sepsis

Zambrug'li kasalliklar

TORCH-infeksiyasi (IgM pozitiv)

O'ta xavfli infektion kasalliklar

Xavfli o'sma kasalliklari

6. Ko'z shox pardasi va uning qismlari transplantatsiyasiga qarshi ko'rsatmalar
--

OIV/OITS

Tuberkulyoz

Sepsis

Gepatit V, S, D, Y

TORCH-infeksiyasi (IgM pozitiv)

O'ta xavfli infektion kasalliklar

7. Tomirlar (yirik tomirlar qismlari) transplantatsiya qilishga qarshi ko'rsatmalar
--

OIV/OITS

Tuberkulyoz

Sepsis

TORCH-infeksiyasi (IgM pozitiv)

O'ta xavfli infektion kasalliklar

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ФУҚАРО
АВИАЦИЯСИ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ

462 «Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидаларини (ЎзРАҚ-46) тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1452-3*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 15 ноябрдаги 762-сон «Экспериментал ҳаво кемаларини хисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан келишилган.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Т. НАЗАРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 6 декабрь,
3371-сон

Келишилди:

Иқтисодиёт ва молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2024 йил 5 декабрь

*Камбағалликни қисқартириши
ва бандлик вазири*

Б. ЗАХИДОВ

2024 йил 2 декабрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 декабрда эълон қилинган.

Транспорт вазири

2024 йил 28 ноябрь

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

*И. МАҲКАМОВ**Д. КАСИМОВ*

2024 йил 29 ноябрь

*Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси*

Д. ВАХАБОВ

2024 йил 26 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро
авиацияси агентлиги директорининг 2024 йил
6 декабрдаги 3371-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2005 йил 7 январдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидаларини (ЎзР АҚ-46) тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1452, 2005 йил 16 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 7-сон, 63-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2008 йил 22 январдаги 12-сон «Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат ҳисобига олиш қоидаларига (ЎзР АҚ-46) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1452-1, 2008 йил 26 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 8-9-сон, 49-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2011 йил 28 февралдаги 29-сон «Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидаларига (ЎзР АҚ-46) ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1452-2, 2011 йил 4 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 143-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭКОЛОГИЯ, АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА
ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУГИ

463 Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш ҳамда унга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини белгилаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3586*

Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конунига мувофиқ буюраман:

1. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш ҳамда унга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини белгилаш тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2005 йил 15 декабрдаги 105-сон «Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1533, 2006 йил 3 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 йил., 1-сон, 4-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсан.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Тоғкон саноати ва геология вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 18 ноябрь,
19-МХ-сон

Келишилди:

Энергетика вазири

Ж. МИРЗАМАҲМУДОВ

2024 йил 7 ноябрь

*Тоғ-кон саноати ва
геология вазири*

Б. ИСЛАМОВ

2024 йил 29 октябрь

*Қурилиш ва уй-жой
коммунал хўжалиги вазири*

В. ХИДОЯТОВ

2024 йил 11 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси
экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва
иклим ўзгариши вазирининг 2024 йил
18 ноябрдаги 19-мҳ-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни
хатловдан ўтказиш ҳамда унга ташланаётган ифлослантирувчи
моддалар миқдорини белгилаш тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни
хатловдан ўтказиш ҳамда унга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар
миқдорини белгилаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

- Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар — атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи манбалар;
турғун манба — атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи, доимий ўзгармас ўринга эга бўлган манба;
ташкил қилинган манба — ифлослантирувчи моддаларни маҳсус барпо қилинган қурилмалар орқали атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба;
ташкил қилинмаган манба — ифлослантирувчи моддаларни маҳсус барпо қилинган қурилмаларсиз атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба;
нуқтавий манба — атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи қувур ёки вентиляция шахталари кўринишида бўлган манба;
чизиқли манба — атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи узунлиги кенглигидан бир неча баробар катта бўлган манба;
майдонли манба — майдони йирик ўлчамга эга бўлган ва юзаси бўйича ифлослантирувчи моддалар нисбатан бир текис ажralувчи манба, шунингдек бир майдонда тарқоқ жойлашган кўп сонли манбалар;
руҳсат этилган чегаравий улуш (бундан бўён матнда РЭЧУ деб юритилади) — атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг узок вақт оралиғида инсонлар соғлигига салбий таъсир қиласлиги;
бир марталик максимал руҳсат этилган чегаравий улуш (бундан бўён матнда РЭЧУ мак.б.м. деб юритилади) — 20 минут давомида нафас олганда инсонлар танасида рефлекторли реакцияларни келтириб чиқармайдиган, атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг нормаси;
атмосферани ифлослантирувчи модда зарарлилигининг тахмини

ний хавфсизлик даражаси (бундан буён матнда ЗТХД деб юритилади) — ҳисоблаш усуллари орқали ўрнатилган, атмосферани ифлослантирувчи моддаларнинг вақтингчалик рухсат этиладиган нормаси;

рухсат этилган чегаравий ташлама (бундан буён матнда РЭЧТ деб юритилади) — атмосфера ҳавосига ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг вақт бирлиги ичидаги рухсат этиладиган меъёрларидан ошмайдиган, ер усти миқдорини ўрнатувчи экологик нормаси;

умумий ташлама — йил давомида атмосфера ҳавосига чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори (т/йил);

максимал бир марталик ташлама — 20 — 30 минут вақт оралиғида аниқланган, атмосфера ҳавосига ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг максимал миқдори;

солиштирма ташламалар — ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи манбалардан чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори;

атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш — худуддаги турғун манбаларнинг жойлашиши, ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори, таркиби, тарқалиши тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва ўрганиш.

2-боб. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш

2. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

а) атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш учун тайёргарлик кўриш;

б) атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказишда ўлчашлар олиб бориш ва ҳисоб-китоб ишларини бажариш;

в) атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш;

г) атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижаларини келишиш ва тасдиқлаш.

3. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқарувчи ташкилотлар (бундан буён матнда объектлар деб юритилади) томонидан мустакил равишда амалга оширилади.

Бунда, объект томонидан атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш учун табиий ресурсларни қўриқлаш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича материалларни ишлаб чиқишига ихтисослаштирилган юридик ва жисмоний шахслар жалб этилиши мумкин.

4. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш учун тайёргарлик кўриш босқичида объект томонидан унинг жойлашув жойи, таркибий тузилиши, ишлаб чиқариш технологик схемалари ва жараёнларининг тафсилоти, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги баланс схемалари,

ёқилғи, хом ашё ва материалларнинг йиллик сарфи тўғрисида маълумотлар тўпланди.

5. Объектда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш тўлиқ ва ишончли маълумотлар асосида амалга оширилади.

6. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиша ўлчашлар олиб бориш ва ҳисоб-китоб ишларини бажариш босқичида ифлослантирувчи моддалар, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар, чанг ва газни тозалаш ускуналарининг самарадорлигини визуал ва инструментал ўрганиш орқали амалга оширилади.

7. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш босқичида объект томонидан хатлов натижасида олинган маълумотлар таҳлил қилинади ва хатлов жадвалларининг сахифалари тўлдирилади.

8. Объект томонидан атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижалари бўйича тузилган материаллар расмийлаштирилади ва объект раҳбари томонидан тасдиқланади.

Бунда, ушбу материаллар объект раҳбари тасдиқлаган кундан эътиборан бир иш кун ичida Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий органига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

9. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий органи томонидан атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижалари бўйича тузилган материаллар улар тақдим этилган кундан эътиборан ўн беш кун ичida кўриб чиқилади.

Бунда, ушбу материаллар мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилмаган ёки уларда тегишли маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса, Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий органи томонидан объект раҳбари камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш мумкинлиги тўғрисида ушбу материаллар келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичida ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

10. Объект раҳбари томонидан тақдим этилган материалларда мазкур Йўриқноманинг 9-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган камчиликлар аниқланмаган тақдирда ушбу материаллар Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий органи томонидан келишилади.

11. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижалари бўйича тузилган материалларни келишиш Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий органи томонидан рад этилган тақдирда ушбу материаллар умумий тартибда кўриб чиқилади.

12. Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳудудий органи томонидан атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижалари бўйича тузилган материалларда

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

аниқланган камчиликларда кўрсатилмаган янги асослар билан келишишни рад этишга йўл қўйилмайди.

13. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори ва таркибини аниқлаш ушбу Йўриқноманинг 2-иловасида* келтирилган атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш усувлари ва заруратга кўра асбоб-ускуналар ёрдамида ўлчовларга асосан амалга оширилади.

14. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш турли иш режимлари, ишлаб чиқариш бўлинмаларида, шунингдек кўп босқичли технологик жараёнларда ускуналарнинг турли ишлашдаги фарқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш усувлари натижасида олинган кўрсаткичлар обьектда фойдаланилаётган технологик жихозга мос келиши керак.

15. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг хатлов натижаларида ушбу Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган талаблар инобатга олиниши лозим.

16. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблашда хом-ашё, маҳсулот ва асбоб-ускуналар иш вақтининг ўртача қийматига тўғри келадиган солиштирма ташламанинг битта қийматидан фойдаланади.

Бунда, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш усувлари бир нечта солиштирма ташлама ($\text{г}/\text{сек}$) қийматларига эга бўлса, уларнинг қийматлари хом-ашё, материалларнинг вақт бирлиги максимал сарфидан келиб чиқиб, жараённинг максимал унумдорлик вақтидаги ҳолати ҳисобга олиниди.

17. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш ва асбоб-ускуналар билан олинган ўлчов натижалари руҳсат этилган хатолик доирасида бўлиши керак.

18. Умумий шамоллатиш тизими билан жиҳозланмаган хонада қоладиган моддалар билан бирга атмосфера ҳавосига чиқариладиган қаттиқ зарралар ва аэрозолларни ҳисоблашда ифлослантирувчи моддаларнинг тузатиш коэффициенти қўлланилиши керак.

Бунда, қаттиқ заррачалар ажраладиган ишлаб чиқариш жараёнларида тузатувчи коэффициентларни аниқлаш учун ташламалар дисперс таркибини асбоблар ёрдамида ўлчаш ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосига чиқариладиган жойларда амалга оширилиши керак.

19. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар, чанг-газлардан тозалаш қурилмаларни ўрганиш, технологик занжир бўйича кетма-кет амалга оширилади (асосий қурилмалардан бошланиб қўшимча қурилмаларда тугатилади).

20. Ифлослантирувчи моддаларнинг номлари, уларнинг экологик нормаларининг қиймати РЭЧУга мос келиши керак.

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агарда ифлослантирувчи моддалар учун РЭЧУ мавжуд бўлмаса, ушбу моддаларни ҳисоблашда ЗТХД қўлланади.

21. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг иш вақти обьектда ўрнатилган ускунанинг лойиҳавий қувватига мос келиши керак.

22. Ифлослантирувчи моддаларнинг ташкил қилинган ва ташкил қилинмаган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар обьектнинг ҳудудидан фойдаланиш режаси (схема)да белгиланади.

23. Объектда ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар хатловдан ўтказилганда ушбу атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ўсиб бориш тартибида рақамланади.

Объектда ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар олиб ташланган тақдирда улардан кейинги атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларга берилган рақамлар ўзгартирилмайди

24. Ҳар бир атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг ўрни обьект майдонининг маҳаллий координата тизимида аниқланади.

25. Ёпик биноларда жойлашган ташкиллаштирилмаган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар чизиқли манбалар сифатида инобатга олиниади.

Чизиқли манбаларнинг баландлиги, диаметри ёки кесим ўлчамлари умумий ҳаво алмашиш қурилмалари сифатида кўрсатилади.

Томга ўрнатиладиган киритувчи — чиқарувчи вентиляторлар якка нуқтавий манбалар бўлиб, улар учун баландлик, диаметр ва кесим ўлчамларининг ҳақиқий қиймати қабул қилинади.

26. Очиқ майдонлардаги ташкил қилинмаган манбалар майдонли манбалар сифатида инобатга олинади.

Бунда, очиқ майдонлардаги ташкил қилинмаган манбалардан чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар бир текисликда амалга ошириладиган якка манбалар сифатида ушбу манбанинг баландлиги, диаметри ёки кесим юзаси ўлчамларининг ҳақиқий қийматлари инобатга олинади.

27. Ташкил қилинмаган манбаларда уларнинг ҳақиқий қийматларини аниқлаш имконияти бўлмаса, баландлик 2 м, кесим юзаси ўлчамлари $0,25 \text{ m}^2$, тезлик эса флюгер сатҳидаги ўртача йиллик шамол тезлигига тенглаштирилиб олинади.

28. Текис жойлашган гурухли атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар учун («нафас» арматуралари, резервуарларнинг нозичлиги натижасида сизиб чиқишлиар) баландлик, диаметр ва манбанинг кесим юзаси ўлчамларининг ҳақиқий қийматлари олинади.

29. Ёпик бинода жойлашган ташкил қилинмаган манбалар учун газ ҳаво аралашмалари кўрсатгичларининг ҳақиқий қийматлари ҳаво алмашиш қурилмаларининг (аэрация ва цех фонарлари, аэрация шахталари, дефлекторлар, томга ўрнатилувчи ва умумий алмашинувчи вентиляторлари) ҳавога тулашиш жойида ўлчанади.

30. Майдонли ташкил қилинмаган манбанинг ифлослантирувчи моддалар ташламалари изотермик (ҳарорат ўзгармайди) деб қабул қилинади.

Бунда, газ-ҳаво аралашмасининг ҳарорати ернинг юза сатҳидан 2 м ба-

ландликада энг иссиқ ойнинг ўртacha ҳароратига, тезлик эса объект жойлашган манзилнинг флюгер жойлашган сатҳидаги шамолнинг ўртага тезлигига тенглаштирилади.

3-боб. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини белгилаш

31. Ишлаб чиқариш майдони ташқарисида ифлослантирувчи моддаларнинг ер усти ҳисоблаш натижаларининг ҳар бири ифлослантирувчи моддага ўрнатилган норма билан мослиги аниқланади.

РЭЧТ ҳар бир ифлослантирувчи модда, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ва тўлиқ объект учун ўрнатилади.

32. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбага эга бўлган объект ўз худудидаги (ижара берилган объектлари ҳам) барча фаолият турлари учун РЭЧТ ни ишлаб чиқиши лозим.

Бунда, ишлаб чиқариш худудидаги атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатмаган тақдирда РЭЧТ ҳар бир ишлаб чиқариш худуди учун алоҳида ишлаб чиқилади.

33. РЭЧТни ишлаб чиқиш учун объектнинг фаолиятига қараб унинг тоифаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сон қарори билан тасдиқланган Давлат экологик экспертизасидан ўтказиладиган фаолият турларининг рўйхатига асосан аниқланади.

34. I, II ва III тоифага мансуб объектлар учун РЭЧТ беш йил муддатга амал қиласди.

IV тоифадаги объектлар учун РЭЧТ ишлаб чиқилмасдан хатлов натижалари асосида олинган ҳақиқий маълумотлар бўйича ўрнатилади.

35. Объект реконструкция, модернизация қилинган, қайта ташкил этилган, кенгайтирилган ёки жойлашуви ўзгартирилган тақдирда объект томонидан атроф-муҳитга таъсир баҳоланади ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги ариза лойиҳаси ишлаб чиқилади.

36. Ишлаб чиқариш технологияси, фойдаланилаётган хом-ашё таркиби, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг сони, ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори ва таркиби ўзгармаган объектлар учун РЭЧТнинг муддати тугаган ҳолларда ушбу муддат яна беш йил муддатга узайтирилади.

Бунда, РЭЧТнинг амал қилиш муддатини узайтириш илгари ишлаб чиқилган РЭЧТнинг амал қилиш муддати тугашидан икки ой олдин объект томонидан тақдим этилган сўров асосида, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича инспектор томонидан уни мажбурий равишда ўрганиш натижалари бўйича ҳамда унинг муддатини узайтириш мумкинлиги тўғрисидаги ёзма асослаши бўйича амалга оширилади.

37. РЭЧТ миқдори махсус бирликларида ($\text{г}/\text{сек}$) ва ($\text{т}/\text{йил}$) ўрнатилади. Бунда, объектларда уларнинг назорати ташкил қилиниши керак.

38. РЭЧТ ҳар бир атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар учун улардан чиқариладиган барча ифлослантирувчи моддалар бўйича ўрнатилади.

39. Объектнинг йиллик умумий ташламаси ($\text{т}/\text{йил}$) ёки бир марталик

максимал ташлама (г/сек)нинг ҳақиқий қиймати, обьект учун ўрнатилган нормадан кўп бўлса, РЭЧТ да ушбу қийматнинг ортиқлиги қайд этилади.

40. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда обьектлар учун умумий ташламалар нормалари (т/йил) ва атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларда РЭЧТга риоя этилишини назорат қилиш учун бир марталик ташламалар нормалари (г/сек) қўлланилади.

41. Ифлослантирувчи моддаларни РЭЧТга келтиришда табиий ресурслардан самарали ва комплекс фойдаланиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илфор фан ва техника ютуқларини ҳисобга олиш керак.

4-боб. РЭЧТ мазмуни ва уни расмийлаштириш

42. РЭЧТ қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

а) атмосферадаги ифлослантирувчи моддаларнинг ер юзасидаги максимал миқдорини ҳисоблаш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш;

б) атмосферадаги ифлослантирувчи моддаларнинг ер юзаси қатламидаги максимал миқдорини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш;

г) ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

д) ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижалари асосида ифлослантирувчи моддаларнинг миқдорини қайта ҳисоблаш;

е) РЭЧТни ўрнатиш;

ж) атмосферадаги ифлослантирувчи моддаларнинг РЭЧТ доирасида назорат ўлчовларини ўтказиш ва РЭЧТ доирасида сақланишини назорат қилиш режа-жадвалини ишлаб чиқиши;

з) РЭЧТни расмийлаштириш.

43. Объект томонидан атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш натижалари асосида обьект раҳбари томонидан РЭЧТ материаллари ишлаб чиқилиб, тасдиқланади.

Бунда, РЭЧТ материаллари обьект раҳбари тасдиқлаган кундан эътиборан бир иш кун ичida I тоифага мансуб обьектлар учун Давлат экологик экспертизаси марказига, II ва III тоифага мансуб обьектлари учун Давлат экологик экспертизаси марказининг ҳудудий филиалларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

44. I тоифага мансуб обьектлар учун Давлат экологик экспертизаси маркази, II ва III тоифага мансуб обьектлари учун Давлат экологик экспертизаси марказининг ҳудудий филиаллари томонидан РЭЧТ материаллари улар тақдим этилган кундан эътиборан йигирма кун ичida кўриб чиқилади.

Бунда, ушбу материаллар мазкур Йўриқноманинг З-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилмаган ёки уларда тегишли маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаган ёхуд нотўғри кўрсатилган бўлса, I тоифага мансуб обьектлар учун Давлат экологик экспертизаси маркази, II ва III тоифага мансуб обьектлари учун Давлат экологик экспертизаси марказининг ҳудудий филиаллари томонидан обьект раҳбарига камчиликларни бартараф этиб, қайта мурожаат қилиш

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мумкинлиги тўғрисида ушбу материаллар келиб тушган кундан эътиборан йигирма кун ичидаги ёзма ёки электрон шаклда маълум қилинади.

45. Объект раҳбари томонидан тақдим этилган РЭЧТ материалларида мазкур Йўриқноманинг 44-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган камчиликлар аниқланмаган тақдирда ушбу материаллар Давлат экологик экспертизаси маркази ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан келишилади.

46. РЭЧТ материалларини келишиш Давлат экологик экспертизаси маркази ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан рад этилган тақдирда ушбу материаллар умумий тартибда кўриб чиқилади.

47. Давлат экологик экспертизаси маркази ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан РЭЧТ материалларида аниқланган камчиликларда кўрсатилмаган янги асослар билан келишишни рад этишга йўл қўйилмайди.

48. Атмосферадаги ифлослантирувчи моддаларнинг ер юзасидаги максимал миқдорларини ҳисоблаш, дастлабки маълумотларни тайёрлаш атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг хатлов натижалари асосида амалга оширилади.

Бунда, атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг кўрсатичлари, чанг-газ тозаловчи қурилма мавжудлиги ва унинг самарадорлиги объект бош режасига мувофиқ бўлиши керак.

Шунингдек, объект бош режаси ҳудуд чегаралари ва атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар координатлари, ахоли пункти чегараларининг ҳолатий режаси билан мослиги ҳисобга олинади.

49. Атмосферада ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалиш ҳисобини бажариш учун атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг кўрсатичларидан ташқари қўйидаги маълумотлар зарур бўлади:

а) ифлослантирувчи моддаларнинг чўкиш тезлигини ҳисобга олевчи коэффициент ҳақидаги маълумот;

б) рельеф коэффициенти.

Метеорологик тавсифлар объектга энг яқин метеомарказдан олинади.

атмосфера стратификациясига боғлиқ коэффициент, 40°ш.к.дан жанубда жойлашган ҳолда 250 га, 40°ш.к.дан шимолда жойлашганида эса, 200 га тенг этиб қабул қилинади.

Ҳудуднинг рельеф коэффициенти объект ифлослантирувчи моддалари нинг таркибида бўлган атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларни ҳисоблаш бўйича картографик материаллар асосида белгиланади.

Ифлослантирувчи моддаларнинг чўкиш тезлигини ҳисобга олевчи коэффициент қиймати қўйидагича қабул қилинади:

а) газ ҳолатидаги ва майда ўлчамли аэрозоллар (чанг, кул, тартибли чўкиш тезлиги деярли нолга яқин) учун — 1;

б) майда ўлчамли аэрозоллар учун ташламаларни ўртача эксплуатацион тозаланиши 90 фоиз бўлганида — 2,75 да 90 фоизгача — 2,5; 75 фоиздан кам ва тозаланмайдиган ҳолда — 3.

50. Ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишини ҳисоблаш ишлаб чиқариш майдонидан ташқарида ахоли пунктлари атмосфера ҳавоси учун РЭЧУ мак.б.м. миқдорида ўтказилади.

Ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалишини ҳисоблаш универсал дастурлар бўйича амалга оширилади.

51. Ер устида ифлослантирувчи моддаларнинг тарқалиш майдони харитаси объектнинг ҳолатий режаси билан биректирилган бўлиши керак.

РЭЧУ_{мак.б.м} миқдорларида максимал улушни ифодаловчи рақамлар кўрсатилган ва ишлаб чиқариш чегаралари аниқ белгиланган бўлиши лозим.

52. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалардан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдорини объект чегарасидан ташқаридаги максимал миқдорга таққослаш билан амалга оширилади.

53. Нормадан ортиқ бўлган ифлослантирувчи моддаларни камайтиришга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқилади.

54. Ифлослантирувчи моддаларнинг объект чегарасидан ташқаридаги миқдори нормадан ортиқ бўлмаса, РЭЧТ ҳақиқий ташламалар даражасида белгиланади. Нормадан ортиқ ҳолларда эса, ишлаб чиқариш майдони ортида норма талабарини қаноатлантирадиган РЭЧТ қабул қилинади.

55. РЭЧТ амал қилиш бўйича назорат таклифлари режа-жадвал кўрининшида расмийлаштирилади.

Атмосфера ҳавосини ифлослантиришга ҳисса қўшадиган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалардан чиқариладиган моддаларни назорат қилиш асбоб-ускуналар ёрдамида ўлчаш усуллари билан амалга оширилади.

56. РЭЧТда ушбу Йўриқноманинг З-иловасида келтирилган талаблар инобатга олиниши лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

464 Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сонли БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»ни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3587*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунчиллик мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сонли БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур буйруқ 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 6 декабрь,
201-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчиллик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 20 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
6 декабрдаги 201-сон бўйруғига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий
стандарти (22-сонли БХМС) «Чет эл валютасида ифодаланган
активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан бўён матнда БХМС деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи ҳисобланади.

2. Мазкур БХМС бюджет, банклар ва нобанг кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахсларнинг (бундан бўён матнда ташкилотлар деб юритилади) чет эл валютасидаги операцияларини ва чет элдаги бўлинмаларнинг маълумотларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда уларни молиявий ҳисботда ёритиб бериш тартибини белгилайди.

3. Мазкур БХМСда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

чет элдаги бўлинма — Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолиятини амалга оширадиган ҳамда молия-хўжалик фаолиятини сўмдан бошқа валютада юритадиган шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари;

чет эл валютасидаги операцияни амалга ошириш санаси — қонунчилик хужжатлари ёки шартномага мувофиқ ташкилотда чет эл валютасидаги операциянинг натижасини бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санаси;

чет эл валютаси — муомаладаги ҳамда чет давлат (чет давлатлар гурӯхлари) ҳудудида нақд тўловнинг қонуний воситаси бўлган пул белгилари, шунингдек муомаладан чиқарилаётган ёки муомаладан чиқарилган, аммо алмаштирилиши лозим бўлган пул белгилари, чет давлатларнинг (чет давлатлар гурӯхларининг) пул бирликларида ҳамда халқаро пул бирликларида ёки ҳисоб-китоб бирликларида банк ҳисобварақларида ва омонатларида турган маблағлар;

монетар моддалар — миқдори қатъий белгиланган ёки аниқласа бўладиган, чет эл валютасида олинадиган ёхуд тўланадиган активлар ва мажбуриятлар;

номонетар моддалар — молиявий ҳисботнинг монетар бўлмаган бошқа моддалари;

курс фарқи — чет эл валютаси бирликларини сўмга ўтказишида валюта курси ўзгариши натижасида юзага келадиган сўмдаги фарқ.

4. Мазкур БХМС Ўзбекистон Республикаси валютасида (бундан бўён матнда сўм деб юритилади) тузилган молиявий ҳисбот кўрсаткичларини чет эл валютасига қайта ҳисоблашда қўлланилмайди.

5. Агар қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбе-

кистон Республикасидаги барча ташкилотлар сўмда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисботни тақдим этиши лозим.

2-боб. Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш

6. Кўйидаги операциялар чет эл валютасидаги операциялар ҳисобланади: товарлар, ишлар ва хизматларни чет эл валютасида харид ёки реализация қилиш;

тўланадиган ёки олинадиган суммалари чет эл валютасидаги пул маблағларини қарзга олиш ёки қарзга бериш;

чет эл валютасида активларни харид ёки реализация қилиш ёхуд чет эл валютасида мажбуриятларни қабул қилиш ёки сўндириш.

7. Чет эл валютасидаги операцияни тан олишда уни амалга ошириш санасидаги чет эл валютасининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси (бундан буён матнда Марказий банк курси деб юритилади) бўйича тан олинади.

Бухгалтерия ҳисоби мақсади учун чет эл валютасидаги айрим операцияларни сўмга ўтказиш мазкур БХМСнинг иловасида келтирилган саналарга мувофиқ амалга оширилади.

8. Ташкилотлар бухгалтерия ҳисобида ҳар ойда чет эл валютасидаги монетар моддаларни ҳисбот ойининг охирги санасидаги ва операцияни амалга ошириш санасидаги Марказий банкининг курси бўйича қайта баҳолашни амалга оширади.

9. Монетар моддада чет эл валютасидаги маблағларнинг қатъий белгиланган ёки аниқланадиган миқдорини олиш ҳуқуки (ёки ўтказиш мажбурияти) мавжуд бўллади.

Монетар моддаларга қўйидагилар киради:

кассадаги ва банк ҳисобваракларидағи чет эл валютаси маблағлари;

тўланиши ёки олиниши чет эл валютасида белгиланган дебиторлик ва кредиторлик қарзлар (бундан қайтариш мажбуриятсиз олинган ва қайтариш ҳуқуқисиз берилган бўнаклар мустасно);

чет эл валютасидаги кредит ва қарзлар;

чет эл валютасида ходимлар билан ҳисоб-китоблар;

чет эл валютасидаги пул эквивалентлари;

чет эл валютасида тўланадиган дивидендлар ва бошқалар.

10. Номонетар моддада чет эл валютасидаги маблағларнинг қатъий белгиланган ёки аниқланадиган миқдорини олиш ҳуқуки (ёки ўтказиш мажбурияти) мавжуд бўлмайди.

Номонетар моддалар чет эл валютасидаги операцияни амалга ошириш санасидаги Марказий банк курси бўйича бухгалтерия ҳисобига қабул қилингандан сўнг, Марказий банк курси ўзгариши билан қайта ҳисобланмайди.

Кўйидагилар номонетар моддалар ҳисобланади:

чет эл валютасида харид қилинган асосий воситалар, номоддий активлар, гудвил, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, капитал қўйилмалар, товар-моддий захиралар;

чет эл валютасида хорижий инвестициялар иштирокидаги ташкилот устав капиталининг мулқорлари ва таъсисчилари (иштирокчилари) улушларининг нисбати;

чет эл валютасида устав капиталига ва акцияларга инвестициялар;

чет эл валютасида товарлар, ишлар ва хизматлар учун қайтариш мажбуриятисиз олдиндан олинган ва қайтариш ҳуқуқисиз берилган бўнаклар ва бошқалар.

11. Чет эл валютасидаги операциялар қийматини сўмда қайта ҳисоблашдан юзага келган курс фарқи ташкилотнинг бевосита молиявий натижаларида молиявий фаолиятдан олинган даромадлар (харажатлар) таркибида ҳисобга олинади.

12. Активлар, ишлар ва хизматлар тўлиқ ёки қисман олдиндан чет эл валютасида тўланган бўнак ҳисобига харид қилинганда, уларни қийматининг ушбу бўнак миқдорига teng суммаси бўнак тўланган санадаги Марказий банк курсида тан олинади.

Активлар, ишлар ва хизматлар тўлиқ ёки қисман олдиндан чет эл валютасида олинган бўнак ҳисобига реализация қилинганда, улар бўйича даромаднинг ушбу бўнак миқдорига teng суммаси бўнак олинган санадаги Марказий банк курсида тан олинади.

13. Бухгалтерия ҳисобида комитетнга бўлган чет эл валютасидаги кредиторлик қарзи воситачилик шартномасига асосан олинган товарларни сотиш санасидаги Марказий банк курси бўйича вужудга келади. Қарзнинг кейинги ҳисоби мазкур БХМСга мувофиқ амалга оширилади.

14. Курс фарқларини жамғариш орқали бухгалтерия ҳисобида акс эттиришга йўл қўйилмайди.

Жамғариш орқали аввал йиғилган курс фарқлари молиявий натижаларга тўғридан-тўғри ёки қўйидаги тартибда олиб борилиши мумкин:

чет эл валютасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича — уларнинг тўланишига (ёки ҳисобдан чиқарилишига) мувофиқ;

бошқа ҳолларда — баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операцияларининг содир этилишига мувофиқ.

Жамғариш орқали аввал йиғилган курс фарқлари молиявий натижаларга чет эл валютасининг бир бирлигига тўғри келадиган курс фарқларининг ўртча миқдори бўйича олиб борилиши мумкин.

15. Чет эл валютасидаги операциялар ҳисобини юритишда молиявий ҳисбот моддаларининг монетар моддадан номонетар моддага ёхуд номонетар моддадан монетар моддага қайта таснифлашда курс фарқларини ҳисоблаш жорий ва келгуси даврлар учун (перспектив тарзда) амалга оширилади.

16. Бухгалтерия ҳисобида таъсисчиларнинг устав капиталига улушкини чет эл валютасида киритиши улушни киритиш санасидаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

3-боб. Чет элда фаолият юритиш учун фойдаланиладиган активлар ва мажбуриятлар ҳисоби

17. Молиявий ҳисботни тузишда ҳисбот берувчи ташкилотнинг молия-

вий ҳисоботига ушбу ташкилот чет элда фаолият юритиши учун фойдаланадиган чет эл валютасидаги активлар ва мажбуриятлар қиймати сўмда қайта ҳисобланиши лозим.

18. Чет элда фаолият юритиши учун фойдаланадиган монетар моддаларни сўмда қайта ҳисоблаш ҳисобот ойининг охирги санасидаги ва чет эл валютасидаги операция содир бўлган санадаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

19. Ташкилотнинг чет элда фаолият юритиши учун фойдаланадиган асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган асбоб-ускуналари, капитал қўйилмалари ва товар-моддий захираларининг қийматини сўмга ўтказиш ушбу активларни бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш санасидаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

20. Ташкилотнинг асосий воситалари, номоддий активлари, ўрнатиладиган асбоб-ускуналари, капитал қўйилмалари ва товар-моддий захираларининг чет эл қонунчилик хужжатларига мувофиқ қайта баҳоланган қийматини қайта ҳисоблаш ушбу қайта баҳолаш ўтказилган санадаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

21. Чет элда фаолият юритишининг молиявий натижаларини шакллантирадиган, чет эл валютасида ифодаланган даромадлар ва харажатларни сўмда қайта ҳисоблаш ҳисобот давридаги Марказий банк курслари ва улар амал қилиш кунлари ҳосиллари суммасини ҳисобот давридаги кунлар миқдорига бўлиш натижасида ҳисоблаб чиқилган курсларнинг ўртача миқдоридан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

4-боб. Чет элдаги бўлинмани консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритиш

22. Ташкилотнинг чет элдаги бўлинмасининг молиявий ҳисоботларини ташкилот томонидан тузиладиган консолидациялашган молиявий ҳисоботга киритиш учун қайта ҳисоблашда ташкилот қўйидагиларни бажариши керак:

чет элдаги бўлинманинг активлари ва мажбуриятларини ҳисобот даврининг охирги санасидаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисоблаши;

чет элдаги бўлинманинг хусусий капитали моддаларини ҳисобот даврининг охирги санасидаги Марказий банк курси бўйича қайта ҳисоблаши, бундан жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) мустасно;

чет элдаги бўлинманинг даромадлари ва харажатлари моддалари, шунингдек тақсимланмаган фойдасини (қопланмаган зарари) ҳисобот давридаги Марказий банкнинг курслари ва улар амал қилиш кунлари ҳосиллари суммасини ҳисобот давридаги кунлар миқдорига бўлиш натижасида ҳисоблаб чиқарилган курсларнинг ўртача миқдоридан фойдаланган ҳолда қайта ҳисоблаши.

23. Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фаолиятнинг таснифи ўзгарган ҳолларда, ўзгарган таснифга нисбатан қўлланадиган қайта ҳисоблаш тартиби ушбу ўзгариш санасидан бошлаб фойдаланилиши лозим.

5-боб. Маълумотларни ёритиб бериш

24. Молиявий ҳисоботга изоҳларда қўйидагилар ёритиб берилиши лозим: ташкилотнинг молиявий натижаларига олиб борилган курс фарқлари суммаси;

кўшилган капитал сифатида таснифланадиган курс фарқлари суммаси;

бухгалтерия ҳисобининг бошқа ҳисобварақларига олиб борилган курс фарқлари суммаси;

ҳисобот санасидан кейин юз берган валюта курслари ўзгаришларининг оқибати, агар улар юқори аҳамиятга эга бўлса ва уларни ёритиб бермаслик молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар томонидан тўғри баҳолашга ҳамда қарорлар қабул қилишга салбий таъсир кўрсатса;

ҳисобот санасидаги Марказий банк курси.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия
хисобининг миллий стандарти (22-сонли
БХМС) «Чет эл валютасида ифодаланган
активлар ва мажбуриятларнинг хисоби»га
ИЛОВА

**Чет эл валютасидаги айрим операцияларни
сўмга ўтказиш саналари
РЎЙХАТИ**

Чет эл валютасидаги операциялар	Чет эл валютасидаги операциялар санаси
Чет эл валютасидаги банк хисобвараклари бўйича операциялар	Чет эл валютасидаги пул маблағларининг банкдаги хисобваракларга келиб тушиш ёки уларни банкдаги хисобвараклардан хисобдан чикариш санаси
Чет эл валютасидаги касса операциялари	Чет эл валютасини кассага кирим қилиш ёки уларни кассадан бериш санаси
Чет эл валютасидаги даромадлар	Чет эл валютасидаги даромадларни тан олиш санаси
Чет эл валютасидаги харажатлар	Чет эл валютасидаги харажатларни тан олиш санаси
Товар-моддий захиралар ва бошқа активларни баҳолаш (бундан қайтариш мажбуриятисиз олинган ва қайтариш хукуқисиз берилган бўнаклар мустасно)	Товар-моддий захиралар ва бошқа активларнинг харид қилинганини тасдиқловчи бошланғич хисоб хужжатлари (товарнинг кузатув хужжатлари ёки божхона юқ декларацияси) мавжуд бўлганда, уларни бухгалтерия хисобига қабул қилиш санаси
Ходимларнинг хисобдор суммалари бўйича чет эл валютасидаги қарзларини акс эттириш	Бўнак хисоботини тасдиқлаш санаси
Чет эл валютасидаги қарзларнинг тўланиши	Чет эл валютасидаги қарзларни тўлаш санаси
Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлар бўйича қарздорлигининг юзага келиши	Юридик шахс мақомини олиш санаси
Устав капиталининг шаклланиши (кўпайиши)	Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушлар киритилиши санаси

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва мolia вазирининг 2024 йил
6 декабрдаги 201-сон бўйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-хукуқий хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси мolia вазирининг 2004 йил 23 мартағи 51-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1364, 2004 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 246-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси мolia вазирининг 2013 йил 11 апрелдаги 37-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1364-1, 2013 йил 3 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 18-сон, 239-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси мolia вазирининг 2017 йил 13 июндаги 77-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги бўйруқقا ўзгартаришлар киритиш хақида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1364-2, 2017 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 24-сон, 518-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси мolia вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 107-сон «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби»га ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги бўйруғи (рўйхат рақами 1364-3, 2018 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.08.2018 й., 10/18/1364-3/1785-сон).

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-хукуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi direktorining 2024-yil 5-dekabrdagi 100-son “Kripto-aktivlar aylanmasi sohasidagi xizmatlar provayderlari faoliyatini amalga oshirishga litsenziyalar berilganligi uchun davlat boji miqdorlarini belgilash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 17-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3584.

2. O‘zbekiston Respublikasi sog“liqni saqlash vazirining 2024-yil 28-noyabrdagi 1-son “Inson a’zolari va (yoki) to‘qimalari donorligiga qarshi ko‘rsatma bo‘ladigan kasalliklar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 17-dekabrda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3585.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиаацияси агентлиги директорининг 2024 йил 6 декабрдаги 3371-сон “Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш қоидаларини (ЎзР АК-46) тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги буйруфи.

2024 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1452-3.

4. Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг 2024 йил 18 ноябрдаги 19-мҳ-сон “Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларни хатловдан ўтказиш ҳамда унга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорини белгилаш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи.

2024 йил 19 декабря рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3586.

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 6 декабрдаги 201-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сонли БҲМС) “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруфи.

2024 йил 19 декабря рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3587.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар ҳавфизилигини назорат қилиш

давлат инспекцияси бошлигининг 2005 йил 7 январдаги З-сон “Ўзбекистон Республикасининг экспериментал ҳаво кемаларини давлат рўйхатига олиш коидаларини (ЎзР АҚ-46) тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1452, 2005 йил 16 февраль), шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1452-1, 2008 йил 26 февраль), (рўйхат рақами 1452-2, 2011 йил 4 апрель).

2024 йил 19 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 23 мартағи 51-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БХМС) “Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1364, 2004 йил 21 май), шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1364-1, 2013 йил 3 май), (рўйхат рақами 1364-2, 2017 йил 16 июнь), (рўйхат рақами 1364-3, 2018 йил 20 август).

2024 йил 19 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2005 йил 15 декабрдаги 105-сон “Ўзбекистон Республикаси корхоналари учун атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш ва унга чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни меъёrlаш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1533, 2006 йил 3 январь).

2024 йил 19 декабрда давлат реестридан чиқарилд

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.